

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

1-2-сон  
(917-918)  
2020 йил  
20 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

- «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 январдаги ЎРҚ-601-сон Қонуни
- «Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

- «Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПФ-5903-сон Фармони [Кўчирма]

4. «Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори
5. «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4564-сон қарори
6. «2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сон қарори
7. «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 4 январдаги 1-мҳ-сон «Идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1231-2*)
9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон «Идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-4*)
10. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 49-2019-Б-сон «Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2454-1*)
11. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 47-2019-Б-сон «Ўрмон хўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2471-1*)
12. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 48-2019-Б-сон «Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига

ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2266-1*)

13. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 50-2019-Б-сон «Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза килиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-2*)
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2019 йил 30 декабрдаги 2019-66-сон «Юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-1*)
15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 10 январдаги 8-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-4*)
16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдаги 204, 104-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-6*)
17. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 8 декабрдаги 248-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича харбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210*)
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 17 декабрдаги 445-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишади

шиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини ба-холаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-1*)

19. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 18 декабрдаги 630-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўрикноманинг 34-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-2*)
20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 321-В-10, 115, 2019-63-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобвагаракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўрикноманинг 5-бандига кўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-10*)
21. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211*)
22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 110, ққ-5, 68-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёrlарининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3212*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 4 январдан 17 январгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**1 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) **21-моддаси** қўйидаги мазмундаги **қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун лицензия олган ер қаъридан фойдаланувчилар имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонусини тўлайди. Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукуки учун бир марталик қатъий белгиланган тўловидир.

Имзоли бонуснинг энг кам миқдори фойдали қазилманинг турига қараб қўйидаги миқдорларда белгиланади:

углеводородлар конларини қидириш ва разведка қилиш хукуки — бавзий хисоблаш миқдорининг беш минг баравари;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 январда эълон қилинган.

олтин қидириш ва разведка қилиш хуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари;

қимматбаҳо (олтиндан ташқари), ноёб ва асл металлар конларини қидириш ва разведка қилиш хуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари;

рудали фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш хуқуқи (бундан олтин, қимматбаҳо, ноёб ва асл металлар конларини қидириш ва разведка қилиш хуқуқи мустасно) — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик баравари;

норуда фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш хуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари.

Имзоли бонус лицензия олинган кундан эътиборан ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ўттиз кундан кечиктирмай солиқни ҳисобга олиш жойидаги солиқ органларига тўланади.

Тижоратбоп топилма бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни қўпайтиришга олиб келувчи конларда қўшимча қидириш ўтказиш чоғида фойдали қазилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир. Тижоратбоп топилма бонуси, агар аввал мазкур кон бўйича тижоратбоп топилма бонуси тўланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш хуқуқини олишда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам тўланади.

Фойдали қазилма конларини кейинчалик уларни кавлаб олишни назарда тутмайдиган қидириш ўтказишда тижоратбоп топилма бонуси тўланмайди.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали қазилмаларнинг қазиб олинадиган захиралари ҳажми тижоратбоп топилма бонусини ҳисоблаб чиқариш обьектидир.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати тижоратбоп топилма бонусини ҳисоблаб чиқариш базасидир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати қуидагича ҳисоблаб чиқилади:

Товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган ер қаъридан фойдаланувчилар учун — фойдали қазилманинг мазкур тури учун тасдиқланган декларация килинган нархи бўйича;

бошқа ер қаъридан фойдаланувчилар учун — қонун хужжатларида белгиланган тартибда халқаро биржада белгиланган биржа нархи бўйича, жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда эса фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати — белгиланган тартибда келишилган тегишли конни саноат йўсинида ўзлаштириш бўйича техник-иктисодий асосларда назарда тутилган кавлаб олишнинг ишлаб чиқариш таннахидан келиб чиқиб, уни 20 фоиз оширган ҳолда.

Тижоратбоп топилма бонуси углеводородлар, қимматбаҳо ва ноёб металлар, рудали ва норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш хуқуқи учун

лицензияни беришда қазиб олинаётган фойдали қазилмалар ҳажмининг баҳосига нисбатан 0,1 фоиз миқдорида белгиланади.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қийматини аниқлаш ва тижоратбоп топилма бонусини тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Тижоратбоп топилма бонусининг хисоб-китоби солик бўйича хисобга олиш жойидаги солик органларига фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини берадиган лицензия олинган кундан эътиборан йигирма беш кундан кечиктирмай ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан тақдим этилади.

Тижоратбоп топилма бонусини тўлаш фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини берадиган лицензия олинган кундан эътиборан тўқсон кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Агар тижоратбоп топилма бонусининг суммаси ер қаъридан фойдаланганлик учун соликнинг йиллик суммасидан ошса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси томонидан тижоратбоп топилма бонусини уч йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун лицензия берилган ер қаъридан фойдаланувчилар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиб боради.

Имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси суммаси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер ҳўжалиги тўғрисида**»ги 602-I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда, 2019 йил, № 4, 199-модда)

**27-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Конун ҳужжатларига мувофиқ фермер ҳўжалиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига соликлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлайди.

Фермер ҳўжалигининг фойдаси соликлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин фермер ҳўжалиги бошлиғининг тасарруфига ўтади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил

2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда) **44-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-313-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 365-модда) кўйидаги ўзгартишлар кирилсин:

1) **4-модда** чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «4-моддаси 28-бандининг Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси 308-моддасининг 6-бандини чиқариб ташлаш ва ушбу моддани иккинчи қисм билан тўлдиришга доир қисми 2012 йил 1 августдан эътиборан амалга киритилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**»ги ЎРҚ-327-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 111-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда, 2019 йил, № 3, 166-модда) **26-моддасининг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда соликлар, ўйфимлар ва бошқа тўловлар тўлайди.

Оилавий корхонанинг фойдаси соликлар, ўйфимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган «**Солик ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий ўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-379-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 341-модда) кўйидаги ўзгартишлар кирилсин:

1) **4-модда** чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Солик ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий ўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-417-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 384-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **4-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **5-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-436-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **29-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **43-модданинг учинчи қисмидаги «29-моддасининг 1 — 9-бандлари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-454-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 12, 772-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **2-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **5-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган «**Айрим давлат органлари фаолияти такомиллашибориши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-456-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **30-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **38-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-476-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ах-

боротномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **52-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **62-модданинг учинчи қисмидаги** «52-моддасининг 6 ва 10-бандлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрда қабул қилинган «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-497-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 673-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **6-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда 6-моддаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрда қабул қилинган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-508-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 12, 783-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **2-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **5-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**14-модда.** Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) **24-моддаси**;

2) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-136-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-196-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 639-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-216-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда) **9-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-217-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 331-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-238-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда) **16-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-240-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **12-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-241-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 473-модда);

9) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 майда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Конунийнинг **28-моддасига**, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг **180 ва 275-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ-247-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 5, 178-модда) **2-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-254-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда) **9-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим**

қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **10-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-256-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 336-модда) **5-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-257-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 337-модда) **10-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 6 октябрда қабул қилинган «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-264-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 10, 380-модда) **4-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий ўёналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-274-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 474-модда) **4-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-278-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **15-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-295-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 248-модда) **5-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

**айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги ЎРҚ-312-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) **8-моддаси**;**

19) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-322-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 106-модда) **4-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-329-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/1, 238-модда) **5-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги, шунингдек солиқ хисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-343-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 334-модда) **4-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-345-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **20-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-355-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **28-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-359-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 349-модда);

25) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-365-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **23-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **27-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **21-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **36-моддаси**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **32-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрда қабул қилинган «**Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий ўёналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-398-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 454-модда);

31) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-405-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **21-моддаси**;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **19-моддаси**;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **18-моддаси**;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилиармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 385-модда) **10-моддаси**;**

35) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-429-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **15-моддаси**;

36) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-446-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **66-моддаси**;

37) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-448-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **16-моддаси**;

38) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрда қабул қилинган «**Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-455-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 12, 773-модда) **5-моддаси**;

39) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-459-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **21-моддаси**;

40) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-486-сонли Конунийнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **26-моддаси**;

41) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 июлда қабул қилинган «**Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир**

**қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-488-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 433-модда) **3-моддаси**;**

42) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Кишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-506-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 12, 781-модда) **6-моддаси**;**

43) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-512-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 1-модда) **16-моддаси**;**

44) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган «**Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ЎРҚ-513-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 2-модда);**

45) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январда қабул қилинган «**Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин куролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиб механизмлари та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-516-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 5-модда) **19-моддаси**;**

46) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **37-моддаси**;**

47) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 марта қабул қилинган «**Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-526-сонли Қонунининг**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 161-модда) **6-моддаси;**

48) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 марта қабул қилинган «**Мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-531-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 165-модда) **13-моддаси;**

49) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 августда қабул қилинган «**Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-560-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 471-модда) **4-моддаси;**

50) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 сентябрда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-564-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 589-модда) **14-моддаси;**

51) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган «**Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизmlари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-572-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 671-модда) **8-моддаси;**

52) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-575-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 674-модда) **3-моддаси;**

53) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-583-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 791-модда) **12-моддаси;**

54) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-584-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 792-модда) **8-моддаси**;

55) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, № 49, 890-модда) **41-моддаси**.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонунинги ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз нормативхукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**17-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 7 январь,  
ЎРҚ-601-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

**2 Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабря  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги 614-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **11-моддасининг иккинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган хукуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномалар мустасно».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабря қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда,

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 январда эълон қилинган.

№ 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**1) 210-модданинг:**

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**2) 271-модданинг бешинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган хукуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномалар мустасно»;

**3) 580-модданинг биринчи қисмидаги** «нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343-I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 1-бобнинг номидаги «Асосий»** деган сўз **«Умумий»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**2) 1-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «қонунларда» деган сўз «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар ушбу Конунга ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга оширилади. Нотариусларнинг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади»;

**3) 2-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йигирма беш ёшдан кичик ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтихонини топширган Ўзбекистон Республикаси

фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлик лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг иши нотариат фаолияти билан боғлик бўлмаган бошқарув ходими ёки адвокат сифатида камиде уч йил ишлаган шахслар, агар уларнинг ваколатлари тугатилган пайтдан эътиборан беш йил ўтмаган бўлса, олти ой муддат стажировка ўтайди.

Куйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас:

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;

қасдан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколатлари ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун тугатилган шахс — уч йил мобайнода.

Нотариус ёрдамчи, стажёр, шунингдек нотариал фаолиятни ташкил этиш билан боғлик бошқа ходимларга эга бўлиши мумкин.

Нотариал харакатларни амалга оширишда нотариуслар, давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бўлиб ишлашидан қатъи назар, тенг хукуқларга эга ва бир хил мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга бўлади.

Давлат нотариал идоралари нотариусларига маҳсус унвонлар — мансаб даражалари берилади»;

#### **4) 2<sup>1</sup>-модданинг:**

**учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат нотариал идораси нотариусининг ёрдамчисини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг (бундан буён матнда Нотариал палата деб юритилади) тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда уни тавсия қилган нотариус томонидан амалга оширилади»;

**бешинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат нотариал идораси нотариуси ёрдамчисига маҳсус унвонлар — мансаб даражалари берилади»;

#### **5) 2<sup>2</sup>-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фукароси нотариус стажёри бўлиши мумкин.

Ушбу Конун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар нотариус стажёри бўлиши мумкин эмас.

Давлат нотариал идораси нотариусининг стажёрини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус стажёрини ишга қабул қилиш Нотариал палатанинг тегишли худудий бошқармаси тавсиясига асосан ушбу бошқарма томонидан бириклирлган нотариус томонидан амалга оширилади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан нотариус стажёрини ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этишга йўл кўйилмайди.

Стажировка нотариал идорада ўталади. Нотариус стажёри ўз фаолиятини нотариус раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади.

Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нотариал палата билан биргаликда белгиланади»;

### 6) 3<sup>1</sup>-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари (бундан буён матнда малака комиссиялари деб юритилади) хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) тўхтатиб туриш ва тугатиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиши мақсадида ташкил этилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаларининг қарорлари билан Нотариал палатанинг тегишли худудий бошқармаси вакиллари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг ходимлари орасидан беш нафардан тўққиз нафар кишигача бўлган таркибда тоқ микдорда тузилади.

Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун ўн бир нафар кишидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Олий малака комиссияси (бундан буён матнда Олий малака комиссияси деб юритилади) тузилади.

Олий малака комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари, Нотариал палата вакиллари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг ходимлари, шунингдек адвокатлар киради. Олий малака комиссиясининг шах-

сий таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Танлов ўтказиш ва малака имтиҳони топшириш тартиби, Олий малака комиссияси ва малака комиссиялари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

- 7) **4-модда** чиқарип ташлансин;
- 8) **7-модда** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«7-модда. Нотариус фаолиятидаги чекловлар**

Нотариус:

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармаларидағи фаолиятдан ташқари тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга;

шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш чорида воситачилик хизмати кўрсатишга;

факсимилендан фойдаланишга ва шахсий муҳрни бошқа шахсларга беришга, бундан унинг лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган даврга муҳрни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, адлия бошқармаларига топшириши мустасно;

ушбу Конунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда ўз идораси жойлашган ҳудуддан ташқарида фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұфурта қилиш шартномасини тузмасдан туриб ўз фаолиятини амалга оширишга ҳам ҳақли эмас.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбоисида назарда тутилган чеклов давлат нотариал идорасининг бошқа ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

- 9) **8-модда** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«8-модда. Давлат нотариал идораси**

Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тутатилади.

Давлат нотариал идораси юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Давлат нотариал идорасининг номида «давлат нотариал идораси» деган сўзлар бўлиши, тегишли туман, шаҳар кўрсатилиши ва зарур бўлганда, давлат нотариал идорасининг рақами бўлиши керак»;

- 10) қуидаги мазмундаги **8<sup>1</sup>** ва **8<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

#### **«8<sup>1</sup>-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ўз идорасига эга бўлишга, банк хисобварафи ва бошқа шахсий хисобварақлар очишга, мулкий ҳамда шахсий номулкий хуқуқларга эга бўлишга ҳамда мажбуриятларни ўз зиммасига олишга, ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишга, судда ўз номидан ишти-

рок этишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа харакатларни амалга оширишга ҳақы.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг идораси тугатилганда кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган молмулк нотариуснинг тасарруфидаги қолади ва унга солиқ солинмайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал идоранинг ходимларини лавозимга тайинлашда ва лавозимидан озод қилишда мустақилдир, бундан ушбу Қонуннинг 2<sup>1</sup> ва 2<sup>2</sup>-моддаларида кўрсатилган ҳоллар мустасно.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус идорасининг номида «хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус» деган сўзлар бўлиши ва тегишли туман, шаҳар кўрсатилиши керак.

## **8<sup>2</sup>-модда. Нотариал идоранинг биноси**

Нотариал идора биносида фуқароларнинг нотариус ҳузурига кириш имконияти, нотариал ҳаракатларнинг сир тутилиши, нотариал иш юритиш ҳужжатлари, материаллари ва нотариал архивнинг бут сақланиши, тўловларни қабул қилиш, аудио- ва видео қайд этиш учун шарт-шароитлар таъминланиши керак»;

### **11) 12-моддининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, нотариус фамилияси, исми-шарифи, лавозими ва нотариал идоранинг номи кўрсатилган шахсий муҳрига, тасдиқловчи ёзувлар битилган штампларига, нотариал идоранинг бланкаларига эга бўлади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг муҳрида лицензиянинг серияси ва рақами кўрсатилади.

Нотариусларнинг реестрига уларнинг муҳри ва имзоси намуналари киритилади.

Нотариуснинг муҳри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона намуна бўйича тайёрланади.

Нотариус муҳри, штамлари, гербли (махсус) бланкалари лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган, тугатилган ва лицензия бекор қилинган ҳолларда ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳамда адлия бошқармаларига қайталиши лозим.

Нотариал идоралар томонидан гербли (махсус) бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

### **12) 13-модда** чиқариб ташлансин;

### **13) 2-бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2-боб. Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби»;**

14) **14-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Давлат нотариал идораларининг тармоғи ва штатлари**

Ўзбекистон Республикасида давлат нотариал идораларининг тармоғи, штатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Икки нафар ва ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларида нотариуслардан бири катта нотариус этиб тайинланади ҳамда унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий-ташкилий ишларини назорат қилиш мажбуриятлари юклатилади»;

15) **15-модданинг:**

**номидаги «Нотариус лавозимига тайинлаш»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** «лавозимларининг» деган сўздан кейин «энг кам» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи — бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

16) қўйидаги мазмундаги **15<sup>1</sup> — 15<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«15<sup>1</sup>-модда. Нотариус мақомига эга бўлиш. Нотариусни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Лицензия шахснинг хусусий нотариал фаолиятини амалга оширишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатdir.

Лицензия Олий малака комиссиясининг нотариуслик ваколатларини бериш бўйича малака имтиҳони якунлари юзасидан чиқариладиган қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан бўён матнда талабгор деб юритилади) лицензия олиш учун малака имтиҳони топшириши шарт.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида олти ойдан кейин қўйилади.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор бир ой муддат ичida Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, адлия бошқармаларига лицензия олиш учун мурожаат қилиши керак.

Талабгор томонидан лицензия олиш учун мурожаат қилиш муддатининг узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилиши лицензиянинг амал қилишини тугатишга асос бўлади.

Давлат нотариал идораси нотариусига лицензия унинг аризасига кўра, малака имтиҳони топширмасдан берилади.

Белгиланган тартибда лицензия олган, талабгор шахс лицензия олган

кундан эътиборан уч ой ичидаги нотариал идора ташкил этиши ва нотариал харакатларни амалга оширишга киришиши шарт.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал идора ташкил этилган пайтдан эътиборан уч кун ичидаги Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигини, адлия бошқармасини бу ҳақда хабардор қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни хабарнома олинган куннинг эртасидан кечиктирмай ҳисобга қўяди ва бу ҳақда Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасини хабардор қилади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан Нотариал палатанинг аъзоси бўлади.

Давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш Олий малақа комиссиясининг танлов натижалари юзасидан чиқарган қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Давлат нотариал идораларининг нотариуслари иш жойини ўзгартириш (ротация) тартибида бошқа нотариал идораларга тайинланиши мумкин. Нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва иш жойини ўзгартириш (ротация) тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Давлат нотариал идорасининг нотариуси ва ходимлари меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ, ушбу Қонун талабларини инобатга олган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Нотариуслар ўз касбий малакасини даврий ошириш якунлари бўйича аттестациядан ўтади.

## **15<sup>2</sup>-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш уни ҳисобга қўйган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

нотариус жиноий жавобгарликка тортилганда — у айбланувчи тарикасида жалб этилган пайтдан эътиборан ва суд хукми қонуний кучга киргунинга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунинга қадар;

нотариус қонун хужжатларида белгиланган тартибида бедарак ўқолган деб топилганда — бедарак ўқолган деб топиш хақидаги қарор суд томонидан бекор қилингунинга қадар бўлган даврга;

нотариат тўғрисидаги қонун хужжатлари, Нотариуснинг қасб этикаси қоидалари талаблари, нотариал харакатлар сири ва нотариус қасамёди нотариус томонидан бузилганилиги аниқланганда;

Нотариал палатанинг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган, шу жумладан нотариуснинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари нотариус томонидан бажарилмагандаги ёки лозим даражада бажарилмагандаги;

нотариусда фуқаролик жавобгарлигини сұғурта килиш шартномаси мавжуд бўлмаганда ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда — бундай шартнома тузилган ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилган кунга қадар;

нотариал фаолиятни ташкил этишга оид минимал талаблар бажарилмаганда — бундай ҳоллар бартараф этилгунига қадар;

нотариус Нотариал палатага аъзолик бадалларини бир ойдан ортиқ муддат давомида тўламаганда — уч ойгача, аъзолик бадалларини тўлагунига қадар.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалири, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариусга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш даврида лицензиянинг амал қилишини ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга ҳақли.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, бундан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармаларининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш нотариус мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси уч кунлик муддат ичida Нотариал палатани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг мақоми тўхтатилганлиги ёки тикланганлиги хақида хабардор этади, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида тегишли хабарни эълон қиласди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус мақомининг тўхтатиб турилиши нотариуснинг Нотариал палатага аъзолиги тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Нотариуснинг мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тутатилганидан кейин шахс нотариал фаолиятга киришади.

Нотариус мақоми тўхтатиб турилган шахснинг Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш имконияти тўхтатилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келадиган қоидабузарликлар ҳоллари ва улар бўйича лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатлари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланади.

### **15<sup>3</sup>-модда. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш**

Нотариус лицензиясининг амал қилишини тугатиш нотариусни ҳисоб-

га олган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармасининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

нотариус лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

ушбу Қонун 15<sup>1</sup>-моддасининг олтинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

нотариус илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармаларидағи фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимга тайинланганда (сайланганда);

нотариуснинг муомала лаёкати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг нотариусни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганда;

нотариус олтмиш беш ёшга тўлганда;

нотариус вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилишини маъмурий суд томонидан тугатиш нотариусни ҳисобга олган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармасининг мурожаатига кўра малака комиссиясининг қарори асосида қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ўз вазифаларини олти ой мобайнida узрли сабабларсиз бажарилмаганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аникланганда;

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни адлия органи томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

нотариус томонидан нотариат тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари, Нотариусларнинг касб этикаси қоидалари, нотариал ҳаракатларнинг сири ва нотариус қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишида бузилганда, нотариуснинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда нотариатнинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармасининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш нотариус мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси учунлик муддатда Нотариал палатани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг мақоми тугатилганлиги ҳақида хабардор қиласи, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

ликаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилади. Хусусий амалиёт билан шуфулланувчи нотариус мақомининг тугатилиши нотариуснинг Нотариал палатага аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

Нотариуснинг ваколатлари тугатилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси нотариуснинг иш юритувидаги ҳужжатларни бошқа нотариусга топшириш ҳақида қарор қабул қилади, бошқа ҳужжатлар эса идоравий нотариал архивга топширилади.

### **15<sup>4</sup>-модда. Лицензияни бекор қилиш**

Лицензияни бекор қилиш нотариуснинг аризасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан, лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олингандиги факти аниқланганда эса — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг аризасига асосан маъмурий суднинг қарори билан амалга оширилади.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Лицензиянинг бекор қилиниши нотариуснинг ўз касбий фаолиятини бажариш чоғидаги харакатлари ғайриҳуқуқий деб топилганлигини англатмайди, бундан нотариал харакатларни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш холлари мустасно»;

17) **16-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал идора тегишли нотариал округ доирасида жойлашган бўлиши керак»;

18) **18-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Лицензия олган нотариус ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

нотариал идора ташкил этилган нотариал округда камида икки йил ишлаб бериши;

фаолияти ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатилган нотариуснинг иш юритувидаги ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси томонидан белгиланган ҳолларда қабул қилиб олиши;

Нотариал палата конференцияси томонидан миқдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадалларини Нотариал палатага тўлаши шарт»;

19) **19-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус ўз мажбуриятларини бузганлиги учун конунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан ўз мажбуриятларини бузганлиги оқибатида етказилган заарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда давлат томонидан қопланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал харакатлар орқали қонунни бузганлиги натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар учун, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкий жавобгар бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилиш шартномаси бўйича суфурта бадали (суфурта суммаси) ёки суфурта бадали етарли бўлмаган тақдирда нотариуснинг шахсий мол-мулки ҳисобидан, нотариуснинг шахсий мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Нотариал палата хузуридаги Компенсация фонди ҳисобидан қопланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қасдан содир этган хатти-харакатлари натижасида зарар етказилганлиги суднинг қарори билан тасдиқланган тақдирда, ушбу зарарнинг ўрни Нотариал палата хузуридаги Компенсация фонди ҳисобидан қопланмайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун давлат жавобгар бўлмайди»;

20) куйидаги мазмундаги **19<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«19<sup>1</sup>-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини суфурта қилиш**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал фаолиятни амалга оширишда нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилиш шартномасини тузиши шарт.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилиш шартномасини тузмасдан ўзининг мажбуриятларини ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга ва (ёки) нотариал фаолиятни амалга оширишдаги учинчи шахсларга мулкий зарар етказилганлиги оқибатида юзага келадиган мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги хавфи билан боғлик мулкий манфаатлар фуқаролик жавобгарликни суфурта қилиш шартномаси бўйича суфурта объектидир.

Қонун ҳужжатларига зид нотариал ҳаракатни амалга ошириш натижасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсга мулкий зарар етказилганлигининг суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгилangan ёки суфурта қилувчи томонидан тан олинган факти нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилиш шартномаси бўйича суфурта ходисасидир.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилиш шартномаси бўйича суфурта суммаси қуйидаги энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг маъмурий марказларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг камидаги минг бараваридан;

бошқа ахоли пунктларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг камидаги беш юз бараваридан»;

21) **4-бобнинг номи «молиявий»** деган сўздан кейин **«ва ижтимоий»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) қўйидаги мазмундаги **21<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«21<sup>1</sup>-модда. Нотариал идора ходимларининг ижтимоий таъминоти**

Нотариал идора ходимлари таътил ва давлат ижтимоий суфуртаси бўйича барча турдаги нафақалар олиш хукуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий суфуртасига тўловлар қонун хужжатларида белгиланадиган миқдорларда тўланади.

Нотариал идора ходимларига давлат ва жамғаривор бориладиган пенсия таъминоти, давлат ижтимоий суфуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

23) **22-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат нотариал идоралари қонун хужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти:

нотариал харакатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи суммасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда қоладиган қисми;

хукуқий ва техник хусусиятга эга қўшимча харакатларни бажарганлик, шунингдек нотариатнинг фаол модели доирасида хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Нотариусларнинг даромадларига солик солиш солик тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг депозит ҳисобва-ракларидаги маблағлар нотариуснинг даромади ҳисобланмайди. Ушбу маблағларга нотариус мажбуриятлари бўйича ундирувни қартишга йўл қўйилмайди»;

24) қўйидаги мазмундаги **4<sup>2</sup>** ва **4<sup>3</sup>-боблар** билан тўлдирилсин:

**«4<sup>2</sup>-боб. Нотариал палата**

**22<sup>4</sup>-модда. Нотариал палатанинг мақоми**

Нотариал палата хусусий амалиёт билан шуғулланувчи барча нотариусларнинг аъзолигига асосланган нотижорат ташкилотdir.

Давлат нотариал идораси нотариуси ихтиёрийлик асосида Нотариал палатанинг аъзоси бўлиши мумкин.

Нотариал палата нотариусларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида фаолият кўрсатади.

Нотариал палата Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда нотариатнинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Нотариал палатанинг вазифалари ва ваколатларига ўхшаш вазифалар ва ваколатларга эга бўлган бошқа ташкилотларни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Нотариуслар Нотариал палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, нотариусларнинг мажбуриятлари бўйича эса Нотариал палата жавоб бермайди, бундан нотариус томонидан етказилган заарнинг ўринини қоплаш учун Нотариал палата хузуридаги Компенсация фонди томонидан амалга ошириладиган тўловлар мустасно.

Нотариал палатанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар учун мажбурийдир.

Нотариал палата фаолиятини молиялаштириш Нотариал палата конференцияси томонидан микдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида такиқланмаган бошқа маблағлар хисобидан амалга оширилади.

## **22<sup>5</sup>-модда. Нотариал палатанинг асосий вазифалари**

Нотариал палатанинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек қонун ҳужжатларининг бир хил тарзда қўлланилишига доир таклифлар ишлаб чиқиш;

низоларнинг олдини олувчи институт сифатида нотариатнинг ролини мустаҳкамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда уларнинг фукаролик жавобгарлиги мажбурий суфурталанишини ташкил этиш;

ягона нотариал амалиётни таъминлаш чораларини кўриш, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини ёйиш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

нотариал ҳаракатлар бўйича тавсиявий хусусиятга эга бўлган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий билимларини ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолатларда ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, Нотариуснинг касб этика-

си қоидалари ва касбий мажбуриятларга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, хизмат текширувлари ўтказиш, шунингдек нотариусларнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида малака комиссияларига таклифлар киритиш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан нотариал фаолият масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш.

## **22<sup>6</sup>-модда. Нотариал палатанинг органлари ва мансабдор шахслари**

Нотариал палатанинг конференцияси палатанинг юқори органи бўлиб, заруратга кўра, бироқ беш йилда камидан бир марта чақирилади.

Нотариал палата бошқаруви Нотариал палатанинг уставига мувофиқ нотариуслар орасидан сайланадиган ижро этувчи орган бўлиб, палатанинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади.

Нотариал палатанинг тафтиш комиссияси молиявий назорат органи бўлиб, палата уставига мувофиқ шакллантирилади.

Нотариал палата раиси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Нотариал палата конференцияси томонидан, ушбу конференция сайлаган Нотариал палата бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади. Айни бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Нотариал палата раиси бўлиши мумкин эмас.

Нотариал палатанинг раисини лавозимидан муддатидан олдин чақириб олиш Нотариал палатанинг уставида белгиланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Нотариал палата конференцияси томонидан амалга оширилади.

## **22<sup>7</sup>-модда. Нотариал палата ҳузуридаги фондлар**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида Нотариал палата ҳузурида Компенсация фонди ташкил этилади.

Нотариал фаолиятга кўмаклашиш, нотариусларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида Нотариал палата ҳузурида Нотариуслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш фонди ташкил этилади.

Давлат нотариал идоралари нотариуслари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Нотариал палата ҳузурида Давлат нотариал идоралари фаолиятини қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади.

Нотариал палата ҳузуридаги Компенсация фонди, Нотариуслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш фонди ҳамда Давлат нотариал идоралари фаолиятини қўллаб-қувватлаш фонди нотариусларнинг Нотариал палатага аъзолик бадалидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Мажбурий ажратмалар миқдори йил якунида Нотариал палата бошқаруви йиғилишининг қарорига кўра белгиланади.

Нотариал палата хузуридаги фондларнинг маблағларидан оқилона фойдаланиши устидан назорат қилиш Нотариал палата томонидан амалга оширилади.

**4<sup>3</sup>-боб. Нотариус фаолияти устидан назорат ва мониторинг қилиш. Адлия органларининг нотариат соҳасидаги ваколатлари**

**22<sup>8</sup>-модда. Нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат ва мониторинг қилиш**

Нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нотариуслар томонидан риоя қилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга оширади.

Нотариал палата хусусий амалиёт билан шуфулланувчи нотариуслар фаолияти устидан мониторингни амалга оширади.

**22<sup>9</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нотариат соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

нотариат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

ягона нотариал амалиётни таъминлаш чораларини кўради;

нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг ишларини таҳлил қиласи ва умумлаштиради;

давлат нотариал идораларини ташкил этади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади ва тугатади;

муайян ҳудуддаги (нотариал округдаги) нотариус лавозимларининг энг кам сонини белгилайди;

Нотариал палата фаолиятига кўмаклашади;

Олий малака комиссиясининг фаолиятини ташкил этади;

хорижда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзоси ва уларнинг муҳри кўчирмаси ҳақиқийлигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боелик бўлган бошқа вазифаларни бажаради;

нотариал иш юритиш қоидаларини, нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариал харакатларни рўйхатга олиш реестрларининг шаклини, тасдиқлов ёзувлари ва гувоҳномаларни, нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартибини Нотариал палата билан биргаликда тасдиқлайди;

нотариал фаолияти тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, нотариусларга кўрсатмалар ва услубий тушунтиришлар беради;

пуллик хизматлар ҳамда нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хукукий ва техник хусусиятга эга кўшимча харакатлар рўйхатини, ушбу

харакатлар амалга оширилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун, шунингдек идоравий нотариал архивлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга нотариал тасдиқланган хужжатларнинг дубликатлари, реестрлардан кўчирмалар, маълумотномаларнинг ва архив хужжатларининг кўчирма нусхалари берилганлиги учун тўловларнинг миқдорларини тасдиқлайди;

нотариусларнинг статистик маълумотларни тақдим этиш шаклларини Нотариал палата билан келишилган ҳолда тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**22<sup>10</sup>-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармаларининг нотариат соҳасидаги ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ўз ваколатлари доирасида:

нотариуслар томонидан амалга оширилган нотариал харакатларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади;

нотариусларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

нотариал амалиётни умумлаштиради;

малака комиссиясининг фаолиятини ташкил этади;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини лицензиялайди;

Нотариал палата билан биргаликда нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этади;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Хусусий нотариал амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг давлат реестрини юритади;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш хақида қарор қабул қиласи;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти ҳудудини белгилаш мақсадида уларни ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

нотариус муҳри ва штампларининг намуналари эскизларини тасдиқлайди;

нотариусларнинг реестрини юритади;

нотариал идораларни қатъий ҳисобда турувчи гербли (максус) бланкалар билан таъминлайди;

ўз фаолиятини тугатган нотариус муҳрини ўйқ қилиш ва хужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари хузуридаги идоравий нотариал архивга топшириш чораларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

**25) 23-модданинг биринчи қисми:**

куйидаги мазмундаги **6<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«6<sup>1</sup>) медиатор вазифасини бажаради»;

куйидаги мазмундаги **12<sup>2</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«12<sup>2</sup>) далилларни таъминлайди»;

куйидаги мазмундаги **14<sup>1</sup>** ва **14<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«14<sup>1</sup>) муаллифлик ва турдош ҳуқуқ обьекти тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

14<sup>2</sup>) электрон хужжатнинг қофоз шаклидаги хужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайди»;

**26) 34-модда:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Битимлар, аризалар ва бошқа хужжатларни тасдиқлаш жараёни видеоконференсалоқа орқали амалга оширилиши мумкин»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

27) куйидаги мазмундаги **61<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«61<sup>1</sup>-модда. Медиатор вазифасини бажариш**

Нотариус фуқаролик-хуқуқий муносабатлар, шу жумладан мулкий ва мерос масалалари бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида низода медиатор сифатида иш юритади.

Тарафлар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижаларидан келиб чиқадиган низони ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, нотариус тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тасдиқлайди»;

28) **64-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан ипотека шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳамда тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда, Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил равишда амалга оширади»;

29) куйидаги мазмундаги **70<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«70<sup>2</sup>-модда. Далилларни таъминлаш**

Фуқаролик-хуқуқий муносабатларда манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан нотариус судда ёки маъмурий органда иш юзага келган тақдирда, агар тақдим этиш кейинчалик мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади деб таҳмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, далилларни таъминлайди.

Далилларни таъминлаш мақсадида нотариус говоҳларнинг кўрсатувларини ёзиб олади, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечиради ва говоҳлантиради, экспертиза тайинлайди, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги фактларни тасдиқлайди»;

30) куйидаги мазмундаги **72<sup>1</sup>** ва **72<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«72<sup>1</sup>-модда. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлаш**

Нотариус муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлайди.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлаш муаллифлик ва турдош ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлмайди.

**72<sup>2</sup>-модда. Электрон ҳужжатнинг қофоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлаш**

Нотариус мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган харакатларни амалга оширишда нотариал тартибда тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномаларнинг электрон шакли қофозда тақдим этилган ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Ҳужжатнинг тасдиқланган электрон шакли қофоздаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эгадир.

Оддий ёзма шаклда тузилган битимларнинг, шунингдек шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шаклини қофоздаги ҳужжат билан тенг юридик кучга эгалигини тасдиқлашга йўл қўйилмайди»;

31) **74-модда** қуйидаги мазмундаги тўртинчи — еттинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Нотариус пул маблағлари ва қимматли қофозларни қабул қилиш учун депозит ҳисобварафини очиши керак.

Нотариуснинг шахсий маблағларини ушбу ҳисобварақقا ўтказишга йўл қўйилмайди.

Нотариус қарздорга депозит ҳисобварафи очилган банкка тақдим этиш учун пул маблағлари депозит ҳисобварафига ўтказилганлиги тўғрисида ёзма хабарнома беради.

Кредиторнинг ёки қарздорнинг депозит ҳисобварафига қабул қилинган пул маблағларини ва қимматли қофозларини бериш, шунингдек депозитдан фойдаланганлик учун тўлов банк томонидан нотариуснинг хабарномасига асосан амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги 756-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2016 йил, № 12, 384-модда; 2019 йил № 10, 671-модда) **9-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у хақда тузиладиган битимлар конунга мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситалари олиш чоғидаги лизинг тўғрисидаги шартномалар мустасно».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222-II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда, № 8, 471-модда, № 11, 792-модда) **1-иловаси** қўйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Хусусий нотариал фаолият».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ-58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил № 10, 671-модда) **12-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ипотека тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши керак (бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк олиш чоғидаги ипотека тўғрисидаги шартнома мустасно) ва давлат рўйхатидан ўtkазилиши лозим».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Риэлторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ-269-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат нотариал идоралари» деган сўзлар «нотариал идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ-301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил № 3, 166-модда) **17-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат нотариал идоралари» деган сўзлар «нотариал идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «**Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ-364-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотно-

маси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил № 7, 431-модда) **37-моддаси биринчи қисмининг түртинчи хатбошисидаги «ёки ижарага» деган сўзлар чиқариб ташлансин.**

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ-460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791, 792-моддалар) **76-моддаси:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар судгача бўлган жараёнда нотариал тартибида далилларни таъминлаш чораларини кўришга ҳақли»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган **«Медиация тўғрисида»**ги ЎРҚ-482-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 427-модда; 2019 йил № 7, 389-модда) **12-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс, бундан нотариуслар мустасно».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсан;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

**14-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 14 январь,  
ЎРҚ-602-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**3 Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

#### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини янада жадаллаштириш борасидаги вазифаларни самарали ҳал этишда давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасидаги Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллабкуватлаш масалалари департаменти унга қўшимча 8 та штат бирлигини киритган ҳолда Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) этиб қайта ташкил этилсин.

Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Куйидагилар қўшимча равишда Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

миллий иқтисодиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда уни баркарор ривожлантиришга қаратилган интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва диверсификациясини таъминлаш ҳамда энергетика, аграр соҳаларни жадал ривожлантириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тартибга солиш, халқаро стандарт-

\* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни татбиқ этиш, аккредитация, ветеринария, санитария ва фитосанитария соҳаларида замонавий бошқарув тизимини ҳамда интеграциялашув имкониятларини жорий этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш;

республиканинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан интеграциялашуви шароитида божхона-тариф ва нотариф тартибга солишнинг самарали тизимини ривожлантириш ва уни қўллаш чораларини мувофиқлаштириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) ва капиталнинг халқаро қўламда ҳаракатланиш жараёнларини ҳамда маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ташқи бозорга эркин чиқиш имкониятларини мониторинг қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофиқлаштириш;

республикада транспорт коммуникациялари ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаларида ислоҳотлар амалга оширилишининг комплекс ўрганилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиш натижалари асосида интеграциялашишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви бўйича музокаралар жараёнида иштирок этиш ҳамда интеграциялашувга масъул бўлган мутасадди давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, халқаро ҳамкорлик тўғрисидағи шартномалар лойиҳаларини тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш;

миллий қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашувига асос бўлувчи амалдаги халқаро шартномаларга мослаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда тегишли маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ўз марказий аппарати тузилмасида ходимлар умумий чекланган сони доирасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларни ташкил этсин.

## 4. Белгилаб қўйилсинки:

Департаментнинг қўшимча штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Монополияга қарши курашиб қўмитаси ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тизимидағи биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

мазкур Фармоннинг 3-бандида назарда тутилган давлат бошқаруви органлари марказий аппаратида ташкил этиладиган таркибий бўлинмалар ходимларининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқкан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги «Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-5785-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Мажкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 10 январь,  
ПФ-5903-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2020 йил 10 январдаги  
ПФ-5903-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
20 августдаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини  
амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва  
уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини  
янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-5785-сон  
Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг биринчи хатбоисидаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш масалалари департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) 3-иловага мувофиқ» сўzlари «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти (кейинги ўринларда — Департамент)» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш» сўzlари «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. 2-иловада:

6-банддаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш» сўzlари «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик» сўzlари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш масалалари департаменти мудири ўринбосари» сўzlари «Вазирлар Махкамаси Департаменти мудирининг хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **4 Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда, шу жумладан маҳаллий хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш ва юкори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юкори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ўили» деб эълон қилинган 2019 йилда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмларини тубдан такомиллаштириш ва соддалаштириш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар 2019 йилда 184 трлн сўм атрофидаги капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди ва бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир. Ялпи ички маҳсулотда инвестицияларнинг улуши 34 фоиздан ошди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкори технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштиришни чукурлаштириш ва шу асосда худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни ўз ичига олевучи Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (кейинги ўринларда — Дастан) тасдиқлансан:

850,5 трлн сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2020 — 2022 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари 1,1а ва 1б-иловаларга\*\* мувофиқ;

206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш

\* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

объектлари ва кувватларини ишга тушириш манзилли дастури 2-иловага\* мувофиқ.

2. Қўйидагилар:

2020 йилда инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастур, шунингдек, унинг чораклар кесимида ижросининг прогноз кўрсаткичлари 3 ва За-иловаларга\* мувофиқ;

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 4-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 5-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 6-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда ишлаб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 7-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки кафолати остида ташки қарзни жалб этиш бўйича 2020 йилда янги имзоланадиган шартномалар доирасида жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни билан белгиланган чегаравий хажмлар доирасида аникланади;

лоиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳаолди хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари юзасидан Дастурнинг тегишли қисмига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан тасдиқланадиган тузатиш ва аниклаштиришлар киритилиши мумкин;

лоиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан киритилади;

курилишга ҳамда лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнларига тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Белгилаб қўйилсинки, Дастурнинг алоҳида қисмларини тузатиш ва аниклаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли таклифларини ўрганиш асосида киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигининг қиймати 50 млн АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши 50 фоиздан

\* 2 — 7-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кам бўлмаган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташки мухандислик-коммуникация тармоқларини бюджет маблағлари ҳамда молиялаштиришнинг бошқа ички манбалари ҳисобидан қуриш тартибини мазкур инвестиция лойиҳалари кўйидаги талабларга мос келган тақдирда қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

лоийҳанинг иқтисодий самарадорлиги, шу жумладан унинг рентабеллиги ва сарфланган маблағларни қоплай олиши таъминланишини асословчи лойиҳаолди ҳужжатларнинг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридағи Урбанизация агентлигининг лойиҳани сўралаётган ер участкасида жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси мавжудлиги;

лоийҳанинг лойиҳаолди ҳужжатига давлат экология экспертизасининг ижобий хulosаси мавжудлиги (зарур ҳолларда).

Лойиҳалар лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг мазкур бандда кўрсатилган талабларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги нуқтаи назаридан уларни комплекс экспертиза қилиш «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари — лойиҳаларнинг ташаббускорлари:

2020 йил 20 январга қадар мазкур қарорнинг 3 — 5-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс тармоқ жадваллари ни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигига тақдим этсин. Бунда 2020 йилнинг ҳар бир чораги учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари сўзсиз бажарилиши назарда тутилсин;

2020 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 6-иловасига киритилган лойиҳалар бўйича молиялаштириш манбаларини аниқлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда тасдиқлаш юзасидан Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан келишилган «йўл хариталари»ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 марта қадар мазкур қарорнинг 7-иловасига киритилган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича амалий чоратадбирлар режасини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Транспорт вазирлиги мазкур қарорнинг 6-иловасига киритилган тегишлича сув таъминоти ва канализация, шунингдек, автомобиль йўллари соҳасидаги лойиҳалар бўйича:

2020 йил 1 июлга қадар — лойиҳаолди ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланиши якунланишини, шунингдек, белгиланган тартибда қарз шартномалари имзоланишини тезлаштиришни;

2020 йил 1 августга қадар — молиялаштиришнинг очилиши бўйича чоралар кўрилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Кўчқоров мазкур банднинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Дастур прогноз параметрлари бажарилиши ҳолатининг тизимли мониторинги ва ҳар ойлик муҳокамасини, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўрилишини таъминласин, натижалари бўйича тегишли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

мазкур қарорнинг 7-иловасига киритилган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиши юзасидан лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама кўмаклашиш, кейинчалик уларни амалга ошириш учун салоҳиятли маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича ишларни тизимли ташкил этсин;

лоиҳа ташаббускорлари билан биргаликда 2020 йил 1 июня қадар 2021 — 2025 йилларда илфор технологиялар, шунингдек, кластер ёндашуви ва саноат кооперацияси асосида юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтиришга қаратилган янги инвестиция таклифлари ишлаб чиқилишини таъминласин;

2020 йил 15 ноябрга қадар Дастурнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаштирган ва янгилаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси Вазирлар Махкамасига киритилишини таъминласин.

8. Кўйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Фаниевга — Дастурнинг сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва тасдиқланган прогноз параметрларнинг бажарилиши ҳолати мунтазам равишда муҳокама қилиб борилишини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқовга — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тизимли мониторинги ва тахлилини, шу жумладан маблағларни ўзлаштириш самарадорлиги ва объектлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

в) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларни самарали ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда ишга тушириш;

мазкур қарорнинг 6 ва 7-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга

ошириш доирасида лойихаолди ва лойиха ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш, белгиланган муддатларда келишиш ва тасдиқлаш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда ташкилотлар билан зарур шартномаларни имзолаш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш;

2020 йил 1 июнга қадар мазкур қарорнинг 1, 1а ва 16-иловаларига мувофиқ прогноз параметрлар асосида кейинги уч йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилиш параметрларини аниқлаштириш ва янгилаш учун асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 январь,  
ПҚ-4563-сон

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **5 Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида\***

### 1. Куйидагиларга:

Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисидаги Европа битимига (1957 йил 30 сентябрь, Женева);

1957 йил 30 сентябрдаги Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисидаги Европа битимининг 1-моддаси а) бандига ҳамда 14-моддаси 1 ва 3 б) бандларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги баённомага (1993 йил 28 октябрь, Женева) қўшилинсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва ички ишлар вазирлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномаларни амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Рес-

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

публикасининг мазкур халқаро шартномаларга қўшилиши ҳамда уларни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органлар ҳақидаги тегишли билдиришномани депозитарийга юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазiri А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 10 январь,  
ПҚ-4564-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**6 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси-  
нинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси-  
ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, худудлarda ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва ўйл-траспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг хаёт даражаси ва сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни ўз ичига оловчи 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин:

а) 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрлари 1-иловага\* мувофиқ;

б) 2020 — 2022 йилларда ижтимоий, уй-жой, мухандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларини ишга туширишнинг асосий параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг манзилли дастурлари, шу жумладан:

2020 йилда маъмурий, мухандислик-инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 3-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастури 4-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастури, шунингдек, 2021-2022 йиллар учун капитал қўйилмаларнинг прогноз параметрлари 5 ва ба-иловаларга\* мувофиқ;

2020 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури, шунингдек, 2021-2022 йиллар учун капитал қўйилмаларнинг прогноз параметрлари 6 ва ба-иловаларга\* мувофиқ;

2020 йилда тибиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастури, шунингдек, 2021-2022 йиллар учун капитал қўйилмаларнинг прогноз параметрлари 7 ва 7а-иловаларга\* мувофиқ;

2020 йилда олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури 8-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури 9-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 10-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда илмий-тадқиқот муассасалари объектларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури 11-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилиш манзилли дастури 12-иловага\* мувофиқ;

2020 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури, шунингдек, 2021-2022 йиллар учун капитал қўйилмаларнинг прогноз кўрсаткичлари 13 ва 13а-иловаларга\* мувофиқ;

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилган ҳолда Оролбўйи минтакасини ривожлантириш манзилли дастури 14-иловага\* мувофиқ;

\* 1 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

г) 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштириладиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 15-иловага\* мувофиқ;

д) 2020 йилда лойиха хужжатлари ишлаб чиқилишини, келишилишини ва тасдиқланишини жадаллаштириш талаб этиладиган лойиҳалар (объектлар) рўйхати 16-иловага\* мувофиқ;

е) 2020 йилда молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда тасдиқлаш талаб этиладиган истиқболли лойиҳалар (объектлар) рўйхати 17-иоловага\* мувофиқ.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Дастурнинг асосий параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа хужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган кўшимча лойиҳаларни (объектларни) киритиш, шунингдек, тегишли лойиҳаларни (объектларни) чиқариб ташлаш бўйича ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан Дастурнинг асосий параметрларига иқтисод қилинган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини лойиҳалар (объектлар) буюртмачилари (ташаббускорлари) ўртасида қайта тақсимлаш бўйича ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, шунингдек, танлов (тендер) якунлари юзасидан Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) параметрларига буюртмачилар (ташаббускорлар) бўйича белгиланган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида тузатиш ва аниқлаштиришлар киритилиши мумкин.

Дастурнинг асосий параметрларига ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли таклифларини ўрганиш асосида киритилади.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра Дастурга киритилган ҳудудий лойиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳа хужжатларига асосан капитал қўйилмалар лимитлари етишмаган тақдирда, уларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмиглаш билан боғлиқ кўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг кўшимча манбалари маблағлари хисобидан қопланади.

\* 15 — 17-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. 2020 йилда бюджет тизими бюджетлари хисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қўйидаги ҳолларда тақиқлансан: амалга ошириш манбаси аниқ бўлмаса;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиха хужжатлари (ишли лойиха, ишли хужжатлари, лойиха-смета хужжатлари)сиз ёки лойиха хужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вактда тайёрлаш, яъни параллел равища олиб бориш;

пудратчи (войиҳачи) ташкилотларни танлов (тендер) ўтказмасдан (агар «Давлат харидлари тўғрисида»ги Конун, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Вазирлар Махкамасининг қарор ва фармойишларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса) танлаб олиш.

Бош вазирнинг тегишли соҳалар бўйича ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари мазкур бандда кўрсатилган бюджет интизоми қоидаларига риоя қилиниши юзасидан шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги икки ой муддатда лойиҳаолди (войиҳача) хужжатлари тасдиқланмаган ва (ёки) бир вактда ишлаб чиқилаётган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни (объектларни) тўлиқ хатловдан ўтказсин ва Вазирлар Махкамасига ушбу лойиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқлаш муддатларини белгилашни назарда тутивчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлигининг йўл қурилиши ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган йўл битумини марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш тартибини бекор қилиш ва унинг белгиланган тартибда факат пудрат ташкилотлари томонидан сотиб олинишини таъминлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Тошкент вилоятида ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича ишли гурухи (кейинги ўринларда — Ишли гурух) 18-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишли гурух (Раматов А.Ж.):

а) ўн кун муддатда:

войиҳалар (объектлар) бўйича, шу жумладан 2019 йилда ажратилган 1,1 трлн сўм миқдоридаги маблағлар доирасида лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказишнинг амалдаги тизимини ўргансин;

курилиш таннархини пасайтириш ва келгусидаги фойдаланиш харажатларини қисқартиришни инобатга олган ҳолда мутлақо янги намунавий ижтимоий ва бошқа инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсан;

ўрганиш натижалари ва ишлаб чиқилган таклифлар юзасидан тақдимот ўтказилишини таъминласин;

б) ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш соҳаси-

\* 18-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даги ижобий тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаштириш чораларини кўрсинг.

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари — лойиҳалар ташаббускорлари:

икки ҳафта муддатда молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича 2020 йил учун қурилишларнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига келишиш учун киритилишини таъминласин;

бир ой муддатда тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа хужжатлари асосида танлов (тендер) хужжатларини комплекс экспертизадан ўтказсин, янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини якунлаш чораларини кўрсинг ва танлов (тендер) ғолиблари билан ўрнатилган тартибда пурдат шартномалари тузилишини таъминласин;

харид қилиш тартиб-таомиллари якунланганидан кейин ўн кун муддатда 2020 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига келишиш учун тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Дастур параметрлари ижроси холатининг тизимли мониторинги ва ҳар ойлик муҳокамасини, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлик муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар қўрилишини таъминласин, натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли ахборот киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Э.М. Фаниев, Ж.А. Қўчкоров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимининг қийматини мустақил баҳолаш натижалари асосида уни тўлиқ жорий этиш ва ишлатиш бўйича зарур чораларни кўрсинг.

Мазкур бандни амалга ошириш билан боғлик тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

ахборот тизимини мустақил баҳолаш ва жорий этиш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

ахборот тизимини ишлатиш ва унга техник хизмат кўрсатиш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рафбатлантириш жамғармаси маблағлари, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил

1 марта қадар таълим ва соғликни сақлаш соҳасида замонавий ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда фойдаланишга тез топшириладиган обьектлар қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин;

б) Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғликни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган намунавий лойиҳалар асосида 2020 йилда синов лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсинг ҳамда 2020 йил 1 сентябрга қадар ушбу ўналишдаги ижобий тажрибани оммалаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

в) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини киритсан:

ложиҳаларни (объектларни) амалга ошириш соҳасида буюртмачиларнинг (ташаббускорларнинг) ваколатларини аниқ белгилаш ва масъулиятини ошириш;

ложиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги ишлар (хизматлар) сифатини тубдан яхшилашга қаратилган бозор тамоиллари асосида ушбу фаолиятни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

ложиҳалаш ва пурдат ташкилотлари фаолиятининг натижадорлигини ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган ишлар (хизматлар) сифатини акс эттирувчи холис ва шаффоғ мезонлар асосида ушбу ташкилотлар фаолиятини рейтинг баҳолаш тизимини жорий қилиш.

#### 11. Қўйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари — транспорт вазири А.Ж. Раматовга — Дастурнинг сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва тасдиқланган прогноз параметрларининг бажарилиши ҳолати мунтазам равиша мухокама қилиб борилишини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Хўжаевга — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тизими мониторинги ва таҳлилини, шу жумладан маблағларни ўзлаштириш самарадорлигини ҳамда обьектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

в) Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закировга — қурилиш-монтаж ишлари ва лойиҳавий ечимларнинг бажарилиши сифати, шунингдек, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратни таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим (И.У. Мажидов), халқ таълими (Ш.Х. Шерматов), мактабгача таълим (А.В. Шин), соғликни сақлаш (А.К. Шодмонов), сув хўжалиги (Ш.Р. Ҳамраев) вазирларига — маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилишни кучайтириш, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

д) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғис-

тон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимларига:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш;

2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Дастур доирасида амалга оширилиши назарда тутилаётган лойиҳалар бўйича объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун батафсил ва атрофлича кўриб чиқилган техник топшириқларни қурилиш нормалари ва стандартлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сифатли тайёрлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 10 январь,  
ПҚ-4565-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**7 Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини  
ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида\***

Республикада тутзорларни кенгайтириш, тутчиликда сув тежовчи суғориш технологияларини қўллаш ҳамда агротехника тадбирларини самарали ўтказилишини рағбатлантириш, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш орқали пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқа-

---

\* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 январда эълон қилинган.

риш хажмини ошириш, шунингдек, пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида:

1. Қуидагилар:

2020 йилда янги тутзорлар барпо этиш учун пиллачилик тармоғи ташкилотларига ўрнатилган тартибда кўп йиллик ижара шартномаси асосида ажратиладиган қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларининг худудлар кесимидағи рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда республика худудларида мелиоратив объектлар атрофида ва қишлоқ хўжалиги ерларида хосилдорликни кўпайтиришга ўйналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота тутзорларини барпо этиш прогноз параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда ипак қурти парваришлаш ва тирик пилла хом ашёси етиштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ янги интенсив тутзорлар барпо этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб сувориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун томчилатиб сувориш тизимини жорий этган ҳолда янгидан ташкил этилган тутзорларнинг ҳар бир гектарига 8 миллион сўмгача;

майдони 35 гектардан зиёд тутзорларда сув чиқариш учун бурғуланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга 120 миллион сўмгача субсидия тақдим этилади.

Бунда бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пиллачилик ва тутчилик ташкилотлари томонидан сув тежовчи сувориш технологияларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди.

Мазкур бандда кўрсатилган субсидиялар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириклигига мувофиқ худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантариш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксонаот» уюшмаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб сувориш тизимларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва

\* 1 — 3-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини куриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг тутзорларни ташкил этишга, сув ва моддий ресурслар (электр энергияси, минерал ўғитлар ва бошқалар) иқтисод қилинишига таъсирини мустақил консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда ўргансин ва 2020 йил 15 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига сув тежовчи суғориш технологияларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклифлар киритсин;

янгидан ташкил этиладиган тутзорларга сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилганда 2021 йилдан бошлаб Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни кўзда тутиб борилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг З-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан коплансан.

5. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда пиллачилик ташкилотлари томонидан тутзорлар барпо этилишини мониторинг қиласи ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

ўтказилган мониторинг натижалари ҳар йили бир марта ҳалқ депутатлари туман (шахар) Кенгашлари томонидан муҳокама қилинади ва муҳокама натижаларига кўра пиллачилик ташкилотлари ўзларига ажратилган ер майдонларида бир йил давомида тутзорлар ташкил қилмаган тақдирда уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарорига мувофиқ тақдим қилинган ер солиги бўйича имтиёзларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳалқ депутатлари туман (шахар) Кенгашларининг қарорларига асосан ер майдонларидан самарасиз фойдаланаётган пиллачилик ташкилотларига ер солиги бўйича имтиёз қўллашни тўхтатиш чорасини кўрсинг.

6. Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси худудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига тегишли бўлган тутзорларни тажриба синов тариқасида ахолига оилавий пурдат асосида 1 гектардан 3 гектаргача таксимлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

а) бир ой муддатда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси худудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига тегишли бўлган тутзорларни ахолига оилавий пудрат асосида тақсимлаш тартибини қўйидаги механизмларни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

пиллачилик ташкилотлари томонидан ахолига тутзорларни янгилаш учун тут кўчатлари ва пилла мавсумларида ипак курти уруғини бепул тарқатиш;

ахолига тутзорнинг бут сақланиши, тут барги ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган пилла ҳажми бўйича талаб қўйилиши;

ахоли томонидан етиштирилган пилла ҳосилини сотишдан ташқари тутзорлар орасига қўшимча экинлар экиш орқали олинадиган даромадларни уларнинг ўзларида қолдириш;

б) 2020 йил 1 апрелга қадар тажриба синов тариқасида 4-иловага\* мувофиқ худудлардаги тутзорларни ахолига оилавий пудрат асосида бириклириб берилишини таъминласин ва 2020 йил 1 ноябрга қадар тажриба синов натижаларига асосан республиканинг қолган худудларидаги мавжуд тутзорларни ахолига оилавий пудрат асосида тақсимлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### 8. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 мартаға қадар:

республикадаги мавжуд тутзорлар хатловдан ўтказилишини таъминласин;

хатлов натижасида аниқланган эскирган, яроқсиз тутзорларни янгилаш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

ўзбошимчалик билан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун бериб юборилган тутзорлар бўйича маълумотларни тегишли органларга, шу жумладан прокуратура органларига қонунчиликда ўрнатилган тартибда чора кўриш учун тақдим этсин;

б) 2020 йил якунига қадар пиллачилик тармоғи ташкилотларига ажратиладиган ерларда камида 5 минг гектар тутзор ташкил қилиш ва уларда томчилатиб сугориш тизимларини жорий этиш чорасини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 апрелга қадар худудларда пиллачилик тармоғини ривожлантириш мақсадида ўрнатилган тартибда халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ва грант маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

\* 4-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда ишсиз аҳолини ипак курти боқиш ва агротехник тадбирлар ўтказиши ўргатишга мўлжалланган ўкув курсларини ташкил этсин ҳамда пилла боқищдан олинадиган даромадлар бўйича тушунтириш ишларини олиб борсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда:

тизимли равишда худудларда янги тутзорлар барпо этиш, эскирган тутзорларни янгилаш, пилла етиштириш мавсумларини уюшқоқлик билан ўтказиши бўйича худудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, ижро этилиши ва мониторингини таъминласин;

хар ҳафта туманлар секторлари раҳбарлари, тегишли давлат органларининг худудий бўлинмалари билан биргаликда пиллачилик тармоғидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида пиллачилик ташкилотлари билан учрашувларни, пилла етиштириш мавсумларида эса касаначилар хонадонларига боришни ташкил этсин;

пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, худудларда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклифлар киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда грант маблағлари ҳисобидан:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруғидаги наслли ипак курти уруғи етиштирувчи муассасаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурида пилла ва ипак сифатини аниқлаш бўйича ихтисослашган замонавий лаборатория ташкил қилиш чорала-рини кўрсин.

13. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда республикада тайёрланаётган тут уруғлари сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ҳамда тутчиликка ихтисослашган хўжаликлар томонидан кафолатланган тут кўчкатларини сотиш тизимини йўлга кўйисин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик ва тутчилик йўналишида кадрларни тайёрлаш соҳасига оид ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипакчилик ва тутчилик мутаҳассисларни бўйича талабаларга машгулотлар ўтказиши учун зарур ўкув корпуси ажратилишини, унинг таъмирланишини, замонавий ўкув ва илмий-лаборатория ускуналари, мебель, инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин;

Япония, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа илфор хорижий давлатлардаги ипакчилик ва тутчиликка ихтисослашган таълим ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда улардаги малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни ўқув жараёни ва малака ошириш курсларига жалб этиш чораларини кўрсинг.

15. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ипакчилик илмий-тадқиқот институти раҳбар ходимларининг иш ҳақи бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот мусассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

18. Мазкур қарор ижроси қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграп ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирылсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ худудларда янги тутзорлар барпо этиш учун «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тавсиясига асосан пиллачилик тармоғи ташкилотларига қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларини ажратсин;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Қ. Шарипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — тутзорлар ташкил қилиш, уларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, мавжуд тутзорларни ахолига оиласиб пудрат асосида тақсимлаш ва сифатли пилла этиштириш бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Қ. Шарипов — республика худудларида мелиоратив обьектлар атрофида ва қишлоқ хўжалиги ерларида шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун иҳота тутзорларини барпо этиш чораларини кўрсинг;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов,

\* 5-и洛ва «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишига оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 январь,  
ПҚ-4567-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

### **8 Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1231-2*

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2020 йил 4 январдаги хulosaga мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буйраман**:

1. «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1231, 2003 йил 4 апрель) Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2019 йил 16 декабрдаги 2/3-3456-19-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 30 марта 216-сон «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1231, 2003 йил 4 апрель);

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 26 июндаги 61-сон «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1231-1, 2006 йил 11 июль).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув кириллесин.

4. Қонун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 4 январь,  
1-мх-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

### **9 Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-4*

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2020 йил 6 январдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апредаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаш-

\* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 январда эълон қилинган.

тиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буораман:**

1. «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2589, 2014 йил 28 май) Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 24 декабрдаги 32-12/3647-сон ва 30 декабрдаги 32-12/3698-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагилар Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 13 майдаги 332-B, 40, 69, 01/22-26/75-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2589, 2014 йил 28 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 30 декабрдаги 332-B-1, 111, 108, 01/22-26/28-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига ўзгартериш киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2589-1, 2016 йил 12 январь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 332-B-2, 152, 150, 01/16-1-10/28-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 65-бандига ўзгартериш киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2589-2, 2017 йил 17 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июлдаги 332-B-3, 113, 25, 01/16-1-10/30-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2589-3, 2018 йил 7 август).

3. Мазкур бўйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу хақда Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 7 январь,  
2-мх-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**10 Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2454-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 1 апрелдаги, 20-Б-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2454, 2013 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 237-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### **Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 декабрь,  
49-2019-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги  
49-2019-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни мухофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни мухофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни мухофаза қилиш бўйича норматив-хукуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ академик лицейлар, ўрта маҳсус профессионал таълим ва олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабаларини ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида амалиётларни ўтказиш билан шуғулланувчи таълим муассасаларида меҳнатни мухофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги Конунинг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни мухофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни мухофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни мухофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни мухофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни мухофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берув-

чи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Таълим муассасаларида меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарarlанишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

4. 41-банд ўз кучини йўқотган деб топилсан.

5. 84-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

## **11**

### **Ўрмон ҳўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2471-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 12 июндаги, 44-Б-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2471, 2013 йил 25 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 342-модда) билан тасдиқланган Ўрмон ҳўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

\* Ушбу бўйрук «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### **Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 декабрь,  
47-2019-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги  
47-2019-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Ўрмон хўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ўрмон хўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти хисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир

бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарarlанишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

4. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
5. 82-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 232-банддаги «механизатор» деган сўз «тракторчи-машинист» деган сўз билан алмаштирилсин.
7. 245-банддаги «механизаторнинг» деган сўз «тракторчи-машинистнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**12 Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун  
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартириш-  
лар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2266-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 25 авгуstdаги 54-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2266, 2011 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 38-сон, 398-модда) билан тасдиқланган Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 декабрь,  
48-2019-Б-сон

**Н. ХУСАНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги  
48-2019-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун  
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисида»ги Конунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июнданги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

4. 32-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 33-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ташкилотларда ходимларнинг соғлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий қўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

6. 53-банндаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 110-банндаги «шахар ва туманларнинг санитария-эпидемиология назорати марказлари» деган сўзлар «туман (шахар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 114-банндаги «санитария-эпидемиология назорати марказига» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 115-банндаги «санитария-эпидемиология назорати марказлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**13      Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-567-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 203-Б-сон бўйруфи (рўйхат рақами 2180, 2011 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 декабрь,  
50-2019-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги  
50-2019-Б-сон бўйруфига  
ИЛОВА

**Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 145-бандлардаги «рухий касалликка чалинган» деган сўзлар «рухий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсан;
2. 8-банднинг биринчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсан:  
«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-

\* Ушбу бўйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 январда эълон қилинган.

ги Конунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чикариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза килиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.».

3. 141-банддаги «рухий қўзғалишни» деган сўзлар «рухий ҳолати бузилишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 147-банддаги «Рухий» деган сўз «Рухий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**14      Юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга ўзgartаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-1*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини қайта кўриб чиқилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон қарори (рўйхат рақами 3172, 2019 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2019 й., 28-сон, 514-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзgartаришлар ва қўшимча киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

2. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
2019-66-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солик қўмитасининг 2019 йил  
30 декабрдаги 2019-66-сон қарорига  
ИЛОВА

**Юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига  
киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 4-банда:
  - «а» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
  - «а) акциз солигига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар;»;
  - «б» кичик банддан «ҳамда уларнинг филиаллари» деган сўзлар чиқариб ташлансан;
  - «д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
  - «д) маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар;»;
  - куйидаги мазмундаги «е» ва «ж» кичик бандлар билан тўлдирилсин:
  - «е) углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловччи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар, бундан автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари мустасно;
  - ж) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига киравчи юридик шахслар.».
3. 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
  - «5. Йирик солик тўловчилар тоифасини белгилашда, мазкур Низомнинг 4-банди «д» кичик бандида кўрсатиб ўтилган юридик шахслар ўтган календарь йил якуни ёки кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр бўйича солик органларига тақдим этган солик ва молиявий ҳисботларидағи кўрсаткичларига асосан аникланади.».
4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Мо-

лия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Келишилган:*

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

2019 йил 30 декабрь

*Иктисодиёт ва саноат вазири*

*Б. ХОДЖАЕВ*

2019 йил 30 декабрь

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

2019 йил 30 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

## **15 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ-4270-сон «Кўчмас мулкка бўлган ҳукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорларига мувофиқ, **буюраман:**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофик ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Хукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив хужжатларни хуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Конун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур бўйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,

2020 йил 10 январь,

8-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2020 йил 10 январдаги  
8-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгаришиш ва қўшимчалар**

1. З-банднинг тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин: «Нотариал харакатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг хуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.».

2. Кўйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«3<sup>1</sup>. Нотариал харакатларни амалга оширишда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида (бундан бўён матнда Тизим деб юритилади) кўйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (бундан бўён матнда ЖШШИР деб юритилади) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси худудида вақтингча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳакида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун хужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий пропискасиз Ўзбекистон Республикаси худудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг солиқ тўловчининг идентификация рақами (бундан буён матнда СТИР деб юритилади) Тизимга киритилиши шарт.».

3. 4-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариусга мурожаат этган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий ахволга солиб қўяди деб хисоблаш учун асоси бўлсада (шубҳа туғдирсада), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечикиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.».

4. Қўйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup> ва 8<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>. Тарафлар турли худудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб видеоконференсалоқа режимида битимларни нотариал тасдиқлаши мумкин ва бундай битим уларнинг биргаликдаги иштирокисиз амалга оширилаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида тарафлар нотариуслар хузурида бўлиши шарт.

Мазкур тартиб асосида барча турдаги битимларни тасдиқлаш мумкин. Бу каби битимларни тасдиқлашда тегишлилигига қараб битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш тарафларнинг тегишли нотариусга бериладиган аризасига асосан амалга оширилади ва ариза нотариал тартибда шаҳодатлантирилмайди.

Бунда битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

битимнинг биринчи тарафи томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқукини тасдиқловчи хужжат, шахсини тасдиқловчи (битимнинг иккинчи тарафининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси) ва бошқа хужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқади;

видеоконференсалоқа орқали битимни тасдиқлашда тегишли битим карточкасини яратади ва маълумотларни Тизимга киритади;

битимнинг биринчи тарафи билан ўзаро мулоқотда нотариус томонидан қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти

ва ахамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл максадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганинги аниқлайди ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишиб, нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилган ҳолда битимнинг биринчи тарафи томонидан имзоланади ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади;

тарафлар ҳамда уларнинг ўзаро келишилган бошқа шартлари ҳақидаги маълумотлар асосида битим лойиҳасини электрон шаклда тузади;

Тизимда жойлаштирилган битим лойиҳасини чоп этади ва битимнинг тегишли қисмига битимнинг биринчи тарафига имзо қўйдиради ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади ва битим билан бирга сақлади.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

*Мисол:*

*Мен Тошкент вилояти, Нурафион шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-йда жойлашган, Нурафион шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В., фуқаро Б.А.Г.нинг менинг ҳузуримда қўйған имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.*

Сотувчининг шахси аниқланди, муюмалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муюмалага лаёқатлилигига шубҳа тутгилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириши давомида унинг муюмалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Шартнома сотувчининг хоҳии-иродаси ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштирилаётганлигини тасдиқлайман. Уй-жой сотувчига тегишилиги текширилди, бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи фуқаро Б.А.Г. томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари Нурафион шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

Ушбу ҳужжат, уй-жой олди-сотди шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур шартнома Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. томонидан видеоконференцалоқа орқали тасдиқланган.

Нотариус битимни имзолаб, мухр билан тасдиқлайди ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни сканер қилиб Тизимга жойлаштиради.

Битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

Тизимга жойлаштирилган битим билан боғлиқ ҳужжатларни юклаб олади ва чоп этади;

Тизим орқали битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус

билин видеоконференцалоқа орқали видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тұлық туширилиши шарт.

Шунингдек, нотариус битимнинг иккинчи тарафига қандай турдаги битим тузилаётгандығын, битимнинг мазмун-мохияти ва ахамияттін тушунтиради, ушбу битим мазмуні тарафларнинг асл мақсадыға мос келиш-келмаслығынан да қонун талабларында зид келиш-келмаслығын текширади, тарафлар ўртасыда ҳисоб-китоб бўлганлығын аниқлайди ҳамда хужжат матнини сотиб олувлычига тұлық таништириб, овоз чиқариб ўқиб беради. Битимнинг иккинчи тарафи томонидан битим имзоланғандан сўнг, унинг бармоқ изларини сканер қилиш жараёни видеоконференцалоқа орқали Тизимда тұлық қайд этилади.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

*Мисол:*

*Ушбу шартномани, мен Тошкент шаҳар, М. Улугбек тумани, Барака күчасыда жойлашған, М. Улугбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. тарафларнинг хоҳиши-иордаси ва амалдаги қонун-ларга асосан сотувчи — Б.А.Г. Нурағион шаҳар 1-сон ДНИда бўлган ҳолда видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб тасдиқладим. Бу жараёни «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.*

*Сотувчи Б.А.Г.нинг шахси Нурағион шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В. томонидан аниқланди ва сотиб олувлычига А.А.В.нинг шахси мен, М. Улугбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. аниқладим.*

*Сотиб олувлычининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа түгилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириши давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.*

Электрон шаклда берилган хужжат қоғозда берилган хужжат билан тенг юридик кучга эга.

Тарафлар томонидан имзоланған хужжатлар битта йифмажилд шакли-га келтирилади, бунда маҳсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, хужжаттнинг охирги варағи ёрлик билан енимланған ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, мухр босилади ва тегишли ёзув киритилади.

Яхлит ҳолга келтирилган битим битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилған нотариус томонидан сканер қилиніб Тизимда шу реестр ракам қайд қилинған карточкага жойлаштирилади.

Битим икки нусхада тузилади, бир нусхаси битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилған нотариал идорада сақланади ва иккинчи нусхаси битимнинг иккинчи тарафига берилади.

Битимнинг иккинчи тарафига унинг сўровига кўра битимнинг нусхаси ўзи мурожаат қилған нотариус томонидан чоп этиб берилиши мумкин.

8<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси худудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал харакатни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу хужжатнинг асл нусхаси тақдим этилмасдан, унинг ўрнига нотариал харакатнинг ноёб рақами билан мурожаат қилинганда нотариус томонидан ушбу хужжатлар Тизим орқали ноёб рақам ёки мурожаат қилувчининг ЖШШИР орқали текширилади ва шу асосда нотариал харакат амалга оширилади.

Хужжат ва унинг ноёб рақами шубҳа туғдирган тақдирда нотариус ушбу хужжатни тасдиқлаган нотариусга ёки идоравий нотариал архивга мурожаат қилиш орқали маълумотларга аниқлик киритиши мумкин.

Мазкур банднинг қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тасдиқланган хужжатларга нисбатан амал қиласди.».

5. 10-банднинг иккинчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус хужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва унда қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи, хужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги, нотариал харакатни амалга ошириш учун хужжат ким томонидан тақдим этилганлиги (фамилияси, исми, отасининг исми, тураг жойи ва шахсини тасдиқловчи хужжат, юридик шахс бўлса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИР, хужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар, хужжат экспертиза қилиниши учун қаерга (қайси экспертиза муассасасига) юборилаётганлиги ва экспертиза ҳал этиши учун қўйилаётган саволлар кўрсатилади.».

6. 12-банд кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа хужжатларнинг мазмуни Тизимга аниқ ва тўлиқ киритилиши лозим.».

7. 18-банднинг олтинчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васиятноманинг дубликати васият қилувчига, у вафот этганидан кейин эса васиятномада кўрсатилган ёки унинг қонун бўйича меросхўрларига (мерос трансмиссияси бўйича) ёхуд уларнинг вакилларига васият қилувчининг ўлим хақидаги гувоҳномаси ёки далолатнома ёзувидан кўчирма тақдим этилганидан кейин берилади.».

8. 24-банднинг ўн биринчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«битим предметининг кадастр қиймати (агар мавжуд бўлса) ва тарафлар томонидан келишилган баҳо;».

9. 27-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги «битимларни» деган сўз «шартномаларни (келишувларни)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулкни олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда, ушбу Йўриқноманинг 40-банди қоидалари қўлланилади.».

10. 29-бандда:

кўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Эр ёки хотиндан бири вафот этганда уларнинг никоҳи давомида орт-

тирилган умумий биргаликдаги мол-мулкига нисбатан ворислик коидалари қўлланилади.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

11. 32-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидаги улушни бошқа шахсга ўтказишда олди-сотди шартномаси умумий улушли мулкнинг имтиёзли сотиб олиш ҳукуқига эга бошқа иштирокчиларининг яшаш манзили номаълум бўлган ҳолларда ҳам тасдиқланади. Мазкур ҳолда сотувчи ички ишлар органларининг Манзил-маълумотлар бюроси томонидан берилган тегишли маълумотномани нотариусга тақдим этиши керак.».

12. 40-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Кўчмас мулк ёки унинг бир қисми бошқа шахсга ўтказилаётганда, мазкур Йўриқноманинг 39-бандида кўрсатиб ўтилган мулк ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, қўйидаги ҳужжатлар нотариус томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан Тизим орқали автоматик тарзда ёки куръерлик хизматидан фойдаланган ҳолда олинади:

коммунал хизматлар (газ таъминоти, совук сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар, бундан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномалари мустасно;

кадастр маълумотномаси;

солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома;

тураг жойда доимий пропискада бўлган шахслар хақидаги ички ишлар органининг маълумотномаси;

кўчмас мулк ёки унинг бир қисми гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ваколатларига кирадиган коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақида маълумотлар фақат Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текширилади.».

13. 45-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкасига бўлган ҳукуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларнинг давлат реестридан (бундан бўён матнда Реестр деб аталади) кўчирма ёки гувохнома;»;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«курилиши тугалланмаган обьектга бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Реестрдан кўчирма.»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

14. 46-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Умрбод таъминлаш шарти билан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини мулк қилиб бериш мажбуриятини олган шахснинг вафотига ёки ушбу шартнома бекор қилингунга қадар нотариус томонидан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига тақиқ қўйилади.».

15. Куйидаги мазмундаги 56<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«56<sup>1</sup>. Кўчмас мулкка нисбатан мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуклар хақидаги маълумотлар Реестрга фақат нотариуснинг талабномасига асосан нотариус томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хукуқ әгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва бир вақтнинг ўзида Реестрдан кўчирма берилади.».

16. 58-банда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

17. 136-банднинг тўртинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мерос таркибининг мерос қолдирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи хужжат (бунда мерос мулки кўчмас мулк бўлса, кадастр маълумотномаси);».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**16 Мобиъл алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик  
шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан  
абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар  
ва қўшимча киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-6*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 июлдаги ЎРҚ-488-сон «Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 де-

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 январда эълон қилинган.

кабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроидтисидий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 октябрь,  
204-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 октябрь,  
104-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирлиги ва  
Молия вазирлигининг 2019 йил  
15 октябрдаги 204, 104-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар  
(уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан  
фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Тўлов ҳар бир абонент рақами учун амалга оширилади. Абонент рақамларининг сони тўлов амалга ошириладиган ойдаги ўртача абонентлар сонига (кунлик абонентлар сонининг йифиндиси/ої кунлари) асосан аниқланади.».

2. 11, 11<sup>1</sup> ва 12-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тўлов суммаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади.

11<sup>1</sup>. Ҳисобот ойи учун тўлов суммаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушади ҳамда белгиланган тартибда тақсимланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тўловдан келиб тушган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини ҳамда ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун қатъий фойдаланилади.».

3. 12<sup>1</sup>-банддаги «қошидаги» деган сўз «хузуридаги» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 12<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«12<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридағи Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига тўловдан келиб тушадиган маблағлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилади.».

5. 13-банддаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Молия вазирлиги ҳамда Давлат солик қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 1-илова изоҳидаги «ойнинг охирги санаси холатига кўра аниқланади» деган сўзлар «ойдаги ўртача абонентлар сонига (кунлик абонентлар сонининг йиғиндиси/ ой кунлари) асосан аниқланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солик  
қўмитаси раиси*

*Б. МУСАЕВ*

*2019 йил 10 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**17 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлин-  
маларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзод-  
ларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 25 июлдаги 199-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлин-  
маларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат  
рақами 3060, 2018 йил 28 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-  
лий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3060/1806-сон);

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 24 сентябрдаги 243-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлин-  
маларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 3060-1, 2018 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2018 й., 10/18/3060-1/  
2031-сон).

3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Қўмондон**

**Б. ТАШМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 8 декабрь,  
248-сон

---

\* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ян-  
варда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси қўмандонининг 2019 йил  
8 декабрдаги 248-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга  
номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (бундан бўён матнда Миллий гвардия деб юритилади) бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**контракт бўйича ҳарбий хизмат** — Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида Миллий гвардия орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат;

**ҳарбий-касбий саралаш** (бундан бўён матнда саралаш деб юритилади) — фуқароларни (номзодларни) контракт бўйича ҳарбий хизматга қўйилган талабларга мос келишини аниқлашга қаратилган тадбирлар комплекси (интеллектуал ривожланганлик ва психоэмоционал барқарорлик даражасини психологик ўрганиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, жисмоний имкониятларни баҳолаш, шунингдек ҳарбий хизмат учун касбий жихатдан муҳим бўлган бошқа сифатлар);

**номзод** — контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ҳақидаги аризаси кўриб чиқиш учун қабул қилинган фуқаро.

2. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш учун саралаш тадбирлари ташкил қилинади.

3. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга саралаш тадбирлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) номзодни дастлабки ўрганиш (хужжатларни йиғиши ва ўрганиш, жисмоний тайёргарлик синови, сухбат);

б) жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

в) психологик ўрганиш (номзоднинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш);

г) тиббий кўрик;

д) маҳсус текширув.

4. Миллий гвардия учун зарур ҳолларда илмий даража ёки илмий ун-

вонга эга бўлган фан арбоблари, шунингдек маданият вакиллари, сўнги беш йил давомида республика миқёсидаги спорт мусобақасининг ғолиби бўлган ёки халқаро миқёсдаги спорт мусобақасининг 1 — 3-ўринларидан бирини эгаллаган спортчилар истисно тариқасида саралашнинг фақатгина тиббий кўрик ва маҳсус текширув босқичларидан ўтадилар.

## **2-боб. Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар**

5. Саралашда Ўзбекистон Республикасининг ўрта ёки ўрта маҳсус (касб-хунар) ёхуд олий маълумотга эга бўлган қўйидаги фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар;

муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган қирқ ёшгача бўлган шахслар;

резервдаги ва захирадаги қирқ ёшгача бўлган офицерлар.

Бунда, эркак жинсидаги номзод Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ёки сафарбарлик чакируви резервда ҳарбий хизматни ўтаган ёхуд олий таълим муассасалари ҳарбий тайёргарлик курсларида ўқиши тугатган бўлиши, шунингдек ҳарбий рўйхатда турган бўлиши керак.

6. Контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишда номзод бўйининг баландлиги қўйидаги маҳсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

а) эркак жинсидаги номзодлар учун:

Фахрий қоровул отлиқ аскарлар эскадронига — 175 сантиметрдан паст бўлмаслиги;

бошқа барча бўлинмаларга — 185 сантиметрдан паст бўлмаслиги;

б) аёл жинсидаги номзодлар — 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги.

Ушбу бандда белгиланган талаблар мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахсларга ҳамда 1-иловасида назарда тутилган мутахассисликларга эга шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Қўйидаги холларда, саралашнинг исталган босқичида номзодни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш рад этилиши мумкин:

номзод мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида белгиланган талабларга жавоб бермаса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, номзод контракт тузиш ҳукукига эга бўлмаса;

номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилган, унга нисбатан дастлабки тергов ёки суриштирув олиб борилаётган, жиноий иш судда кўрилаётган бўлса (бундай холатларда номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши масаласини қайта кўриб чиқиш жиноий иш бўйича якуний қарор қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади);

жазо чорасидан ва амнистия қўлланилганидан қатъи назар номзод со-дир этган жинояти учун айблов ҳукми мавжуд бўлса;

номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий

хизматчининг номига доғ туширувчи хатти-харакатни содир этгани ёки хизмат вазифасига нолойик бўлиб қолганлиги сабабли хизматдан бўшатилган бўлса;

номзод ўзи ва яқин қариндошлари тўғрисида била туриб нотўғри маълумотлар тақдим қилгани аниқланганда;

номзод мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортганда.

### **3-боб. Номзодни дастлабки ўрганишни ташкил этиш ва ўтказиш**

8. Номзодни дастлабки ўрганиш босқичи ўтказилишини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия бўлинмаларида тегишли бўлинма бошлиғи ёки командирининг буйруғи билан доимий фаолият юритадиган Номзодни дастлабки ўрганиш комиссияси (бундан бўён матнда Ўрганиш комиссияси деб юритилади) ташкил этилади ҳамда номзодлар учун мунтазам қабул кунлари белгиланади (масалан, ҳафтанинг муайян кунлари ёки ойнинг муайян саналари).

9. Ўрганиш комиссияси таркиби Миллий гвардия бўлинмаси бошлиғи ёки командири, унинг ўринбосарлари ҳамда бўлинма ҳарбий хизматчилари орасидан шакллантирилади.

Миллий гвардия бўлинмаси бошлиғи ёки командири — Ўрганиш комиссияси раиси, кадр органи бошлиғи эса — Ўрганиш комиссияси котиби хисобланади.

10. Миллий гвардия бўлинмалари худудига кириш жойларида номзодларни саралаш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар ва мунтазам қабул кунлари хақидаги маълумотлар қайд этилган ахборот стендлари жойлаштирилиши лозим.

11. Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган фуқаро доимий яшаш жойидаги Миллий гвардия бўлинмасига мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Вактинча яшаш жойи бўйича таҳсил олаётган ёки расмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ушбу худуддаги Миллий гвардия бўлинмасига мурожаат қилишлари мумкин.

12. Номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган бўлса, аризада контракт бўйича ҳарбий хизматдан бўшатилиш сабабини кўрсатиши лозим.

13. Навбатдаги қабул куни давомида номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш ва ўрганиш, жисмоний тайёргарлик синови тадбирлари ҳамда сухбат ўтказилади.

14. Ўрганиш комиссияси котиби саралаш учун ҳозир бўлган номзод хақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Номзодларни рўйхатга олиш журналига қайд этади.

15. Номзод мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган талабга

\* 2-3-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жавоб беришини аниқлаш мақсадида Ўрганиш комиссиясининг тегишли аъзоси томонидан унинг бўйи ўлчанади. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган холларда, унга дастлабки ўрганиш тадбирларида иштирок этишга рухсат этилмайди.

16. Ўрганиш комиссияси котиби бўйга қўйилган талабларга мувофиқ келган номзоднинг ҳужжатларини комиссия кўриб чиқиши учун қабул қиласди.

17. Номзод Ўрганиш комиссияси котибига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

паспорт нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);

туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);

туғилганлик ҳақида гувоҳномага ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки алмаштирилган бўлса, бу ҳақда тегишли ФХДЁ органидан маълумотнома;

қариндошларининг (ота-она, эр-хотин, фарзандлар, aka-укалар, опа-сингиллар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари) паспортлари ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, никоҳ қайд этилганлиги ёки бекор қилинганилиги ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари;

3 x 4 см ўлчамдаги олтита рангли фотосурат (бош кийимсиз), шунингдек 9 x 12 см ўлчамдаги иккита рангли фотосурат (бош кийимсиз);

анкета-маълумотнома;

ўқиши, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) жойидан тавсифнома;

ўрта ёки ўрта маҳсус (касб-хунар) ёхуд олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (асли кўрсатилган ҳолда);

асли кўрсатилган ҳолда ҳарбий гувоҳнома нусхаси (эркак жинсидаги номзодлар учун);

яашаш жойи бўйича белгиланган намунашаги соғлифининг ҳолати ҳақида маълумотнома.

18. Номзод тақдим этган ҳужжатлар тўлиқ ва улардаги маълумотлар тўғри бўлиши зарур.

19. Ҳужжатлар тўлиқ ва улардаги маълумотлар тўғри бўлган холларда номзод шу вактнинг ўзида жисмоний тайёргарлик синовидан ўтказилади.

Ҳужжатларида камчилик аниқланган номзодга ушбу камчиликни бартараф этиши ва навбатдаги қабул кунида ҳозир бўлиши Ўрганиш комиссияси котиби томонидан тушунтирилади.

20. Жисмоний тайёргарлик синови Ўрганиш комиссиясининг масъул аъзоси (аъзолари) томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади ҳамда баҳоланади.

21. Жисмоний тайёргарлик синови номзод саралашнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичига тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

22. Жисмоний тайёргарлик синовидан муваффақиятли ўтган номзод сухбатга киритилади.

23. Номзодни сұхбатдан ўтказиш мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мұвоғиқ Номзодлар билан сұхбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

24. Сұхбат бошланишидан аввал Ўрганиш комиссиясининг сұхбат ўтказилишига масъул бўлган аъзоси (аъзолари) томонидан номзодга мазкур Низом талаблари, ҳарбий хизматчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар тушунтирилиши ҳамда номзоднинг сұхбатни давом эттириш истаги бор ёки йўқлиги аниқланиши лозим.

Номзоднинг сұхбатни давом эттириш истаги бор бўлган тақдирда сұхбат ўтказилиши керак.

25. Ўрганиш комиссияси аъзолари томонидан номзодни дастлабки ўрганиш босқичида ўтказилган синов ва сұхбат натижалари умумлаштирилиб, шу куннинг ўзида номзодни саралашнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

26. Ўрганиш комиссияси қарори асосида комиссия котиби томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мұвоғиқ шаклдаги Сұхбат ўтказиш варақасига тегишли ёзув киритилади ва варақа номзодга таниширилади.

27. Номзод Сұхбат ўтказиш варақаси билан танишганлигини шу вақтнинг ўзида ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

28. Миллий гвардия бўлинмасининг кадр органи саралашнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг ҳужжатлари ва Сұхбат ўтказиш варақаларини ягона йиғма жилдда жамлайди.

29. Миллий гвардия бўлинмаларининг кадр органлари хар ойнинг 25 санаисига қадар дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни Миллий гвардиянинг Кадрлар бошқармасига тақдим этиб боришлири лозим.

30. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар орасидан контракт бўйича хизматга номзодларни кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологияк ўрганишни ташкил этиш ҳамда ўтказиш**

##### **1-§. Умумий қоидалар**

31. Саралашнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ҳамда психологияк ўрганиш мақсадида Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан Номзодларни ҳарбий-касбий саралаш бўйича доимий комиссия (бундан буён матнда Доимий комиссия деб юрилади) ташкил этилади.

\* 4-5-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

32. Доимий комиссия таркиби Миллий гвардия марказий аппаратининг тегишли бўлинмалари ҳамда ҳудудий бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчила-ри орасидан шакллантирилади.

Миллий гвардия қўмондонининг тегишли ўринбосари — Доимий комиссия раиси, Миллий гвардия Кадрлар бошқармасининг масъул ходими ёки ҳудудий бўлинмасининг кадр органи масъул ходими — Доимий комиссия котиби ҳисобланади.

33. Саралашнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психолигик ўрганиш босқичлари Миллий гвардиянинг мавжуд бўш лавозимларидан келиб чиқкан ҳолда ўтказилади.

34. Доимий комиссия котиби томонидан жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психолигик ўрганиш тадбирларини ўтказиш бўйича режа-жадвал шакллантирилади ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқла-нади.

Режа-жадвалда саралаш тадбирларини ўтказиш жойи ва вақти кўрса-тилиши керак.

35. Номзодлар саралашнинг навбатдаги босқичлари ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида улар ўтказилишидан камида уч кун олдин Миллий гвардия бўлинмасининг кадр органи бошлиғи томонидан хабардор қилинади.

## **2-§. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш**

36. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси ва ба-холаш мезонлари асосида амалга оширилади.

37. Номзодлар томонидан машқларни бажариш бошланишидан олдин уларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари Доимий комиссия аъзолари томонидан тушунтирилади.

38. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

39. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида Доимий комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳо-лаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асо-сида баҳоланади.

40. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари натижали-ари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар шу заҳоти номзодларга эълон қилинади.

Қайднома Доимий комиссиянинг жисмоний тайёргарлик даражасини

---

\* 6-7-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

баҳолаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида комиссия котибига топширилади.

41. Жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича қониқарсиз баҳоланган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига ўтказилмайди.

42. Қониқарсиз баҳоланган номзод, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 маротаба қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

### **3-§. Номзодларни психологик ўрганиш**

43. Номзодларни психологик ўрганиш тест ва топшириқлар (бундан буён матнда тест деб юритилади) шаклида амалга оширилади.

44. Тест саволлари Доимий комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

45. Миллий гвардия Кадрлар бошқармасининг масъул ходими тест саволлари ва уларнинг жавоблари сакланиши ҳамда ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

46. Тест синовлари мазкур Низомнинг 8-иловасига\* мувофиқ Психологик тест синовларини ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади ва баҳоланганди.

47. Психологик ўрганиш натижалари қониқарсиз бўлган номзод тест синовини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 маротаба қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

48. Тест синовининг натижалари бўйича, у ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичida Доимий комиссиянинг психологик ўрганиш тадбирларида иштирок этган аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида комиссия котибига топширилади.

49. Доимий комиссия томонидан психологик ўрганиш натижаларига асосан қўйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига мувофиқлиги ҳақида;

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига номувофиқлиги ҳақида.

50. Доимий комиссия хулосасига мувофиқ комиссия котиби томонидан мазкур Низомнинг 10-иловасига\* мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади.

51. Баённома Доимий комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

52. Доимий комиссия котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённоманинг кўчирмаси (нусхаси) шу куннинг ўзида Миллий гвардия бўлинмалари кадр органларига юборилишини таъминлайди.

53. Миллий гвардия бўлинмаси кадр органи бошлиғи Доимий комиссия

\* 8 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сия баённомасининг кўчирмасини (нусхасини) олган кундан бошлаб 5 кун ичида унинг номзодларга таниширилишини таъминлаши лозим.

54. Доимий комиссия баённомаси у тасдиқланган вақтдан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

### **5-боб. Номзодни тиббий кўрикдан ўтказиш**

55. Номзодлар соғлигининг ҳолатига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлаш мақсадида улар тиббий кўрикдан ўтказилади.

56. Номзодларга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланмалар Миллий гвардия бўлинмалари тиббиёт хизматлари томонидан берилади.

57. Саралашнинг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш босқичларидан муваффакиятли ўтган номзодлар гарнizon (худудий) ҳарбий-тиббий комиссияларига тиббий кўрикдан ўтиш учун (Доимий комиссия баённомасидан кўчирма, шахсни тасдиқловчи хужжат (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) нусхаси, наркологик, сил касалига қарши кураш, тери-таносил, психоневрологик диспансерлар ва ОИТСга қарши кураш марказидан олинган маълумотнома, сўнгги беш йил ичидағи амбулатор беморнинг тиббий картасидан кўчирма, мажбурий диагностика тадқиқотларининг натижалари билан бирга) юборилади.

58. Тиббий кўрик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиши ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) талабларига мувофиқ ўтказилади.

59. Тиббий кўрик натижаларига кўра, ҳарбий хизматга яроқсиз ёки кейинчалик қайта тиббий кўрикдан ўтказиш шарти билан даволанишга муҳтоҷ деб топилган номзодлар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинмайди.

### **6-боб. Номзоднинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш**

60. Дастребаки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, психологик ўрганишдан муваффакиятли ўтган номзодлар Миллий гвардия томонидан белгиланадиган маҳсус текширувдан ўтказилади (маҳфий маълумотлар билан ишлаш учун белгиланган шаклдаги рухсатномага эга номзодлар бундан мустасно).

Маҳсус текширув талаблари хизмат сири ҳисобланади ва ошкор қилиниши ман этилади.

61. Маҳсус текширув натижаларига кўра, контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган номзодларга ёзма равишда хабарнома юборилади.

62. Саралаш натижалариға кўра контракт бўйича ҳарбий хизматга кирувчилар учун белгиланган талабларга мувофиқ деб топилган номзодга Миллий гвардия бўлинмалари кадр органлари томонидан шахсий йиғмажилд расмийлаштирилади.

63. Саралашдан ўтган номзоднинг шахсий йиғмажилди контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисида якуний карорни қабул қилиш учун бўйсунув бўйича юқори турувчи кадр организга тақдим қилинади. Бунда тиббий кўрик хуносасининг амал қилиш муддати инобатга олиниши лозим.

64. Саралаш якунига кўра энг юқори натижаларга эришган номзодлар бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинади.

## **7-боб. Якуний қоида**

65. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
бўлинмалари контракт бўйича ҳарбий  
хизматга номзодларни саралаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Махсус антропометрик параметрлар татбиқ этилмайдиган мутахассисликлар РЎЙХАТИ**

#### **I. Қуйидаги мутахассисликлар бўйича олий маълумотга эга бўлганлар:**

1. Халқаро муносабатлар ва ташки сиёsat.
2. Санъат йўналишида: актёрлик санъати, вокал санъати, чолғу ижро-чилиги, хореография.
3. Кино-телеоператорлик.
4. Психология.
5. Журналистика.
6. Молия.
7. Юриспруденция.
8. Портлатиш иши.
9. Компьютер технологиялари ва информатика.
10. Архитектура ва қурилиш.
11. Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари.
12. Ветеринария.
13. Даволаш иши, тиббий профилактика иши, фармация.

**II. Қуидаги мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус маълумотга эга бўлганлар:**

1. Санъат йўналишида: вокал санъати, чолғу ижрочилиги, хореография.
2. Ветеринария.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**18** Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг худудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида-ги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 декабрдаги ПФ-5892-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буораман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 26 августдаги 324-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3187, 2019 йил 3 октябрь) (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2019 й., 10/19/3187/3846-сон) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг худудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди тўртинчи хатбоиси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

**«давлат органлари ва ташкилотлари** — давлат ҳокимияти орган-

---

\* Ушбу буйруқ «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 январда эълон қилинган.

лари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда республика аҳамиятига молик идора, муассаса ва ташкилотлар.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор в. б.**

**К. АЛЛАМЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 17 декабрь,  
445-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**19 Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини таш-  
кил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқноманинг 34-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни 8-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрдаги ЎРҚ-584-сон «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунинг 5-моддасига мувофик **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруфи (рўйхат рақами 3097-сон, 2018 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 50-сон, 958-модда) билан тасдиқланган Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 34-бандидан «хусусий» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 январда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.

**Вазир в. б.**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 18 декабрь,  
630-сон

*Келишилган:*

*Курилиш вазири*

**Б. ЗАКИРОВ**

*2019 йил 18 декабрь*

*«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директори*

**Д. САТТАРОВ**

*2019 йил 18 декабрь*

*Ўзбекистон савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2019 йил 18 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**20** *Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақ-  
ларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тар-  
тиби тўғрисидаги йўриқноманинг 5-бандига қўшимча кири-  
тиш ҳақида\**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-10*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси **карор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сон қарори (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 5-банди «в» кичик банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан берилган бюджет ссудаси, кредит линияси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар бўйича қарзлар ва улар бўйича тўловлар;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 декабрь,  
321-В-10-сон

---

\* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 январда эълон қилинган.

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 декабрь,  
115-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 декабрь,  
2019-63-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА  
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

## **21 Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом- ни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги  
ПҚ-4270-сон «Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтка-  
зиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-  
рига мувофик Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картог-  
рафия ва давлат кадастри давлат қўмитаси қарор қиласди:

1. Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатнома-  
сини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофик тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси раиси**

**А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 17 декабрь,  
11-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 ян-  
варда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Ер ресурслари, геодезия, картография ва  
давлат кадастри давлат қўмитасининг  
2019 йил 17 декабрдаги 11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака  
шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ-4270-сон «Кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартибини белгилайди.

**1-боб Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси** (бундан буён матнда кадастр муҳандиси деб юритилади) — риэлторлик ташкилоти билан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи ва кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасига эга жисмоний шахс;

**талабгор** — кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс;

**малака имтиҳони** — кадастр муҳандисига қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

**малака шаҳодатномаси** — малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжат;

2. Малака шаҳодатномаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (бундан буён матнда Кўмита деб юритилади) томонидан бепул берилади.

3. Кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича тайёрлаш Кўмита хузуридаги Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Геодезия ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олган талабгорлар малака имтиҳонини топширишга қўйиладилар.

Бунда, талабгор геодезия ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга лигидан ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олганлигидан қатъи назар, геодезия ва ер кадастри бўйича камида бир йил иш стажига эга бўлиши лозим.

5. Кадастр муҳандиси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри худудида

фаолият юритади. Бунда, кадастр мухандиси ўз фаолиятини амалга ошириш учун риэлторлик ташкилоти билан меҳнат шартномаси тузади.

6. Кадастр мухандиси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри худудида шартнома асосида қўйидаги кадастр хизматларини кўрсатади:

кўчмас мулк обьектларини хатловдан ўтказиш (бирламчи кадастр ҳисоби бундан мустасно);

кўчмас мулк обьектларининг қаватма-қават режаларини тузиш;

кўчмас мулк обьектлари техник режаларини расмийлаштириш;

кўчмас мулк обьектларини техник ҳисобга қўйиш.

## **2-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби**

7. Малака имтиҳонини ўтказиш учун Кўмита раисининг қарори билан беш кишидан кам бўлмаган таркибда Малака имтиҳони комиссияси ташкил қилинади.

Кўмита раиси Малака имтиҳони комиссияси раиси ҳисобланади.

Малака имтиҳони комиссияси таркиби Кўмитанинг масъул ходимлари ва Марказнинг масъул вакиллари орасидан шакллантирилади.

8. Малака имтиҳони комиссияси таркиби ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида тузилади ва доимий ҳисобланмайди.

9. Малака имтиҳони комиссияси қарорлари баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади ҳамда комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

10. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун Кўмитага қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза;

б) талабгорнинг паспорт нусхаси;

в) олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ёки хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш хақидаги гувоҳнома нусхаси ёхуд кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

г) меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси тизими»дан кўчирма) (ўриндошлиқ бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда бу хақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим);

д) 3,5 x 4,5 см ўлчами тўрт дона рангли фотосурат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Талабгор тақдим этган ҳужжатлар тўлиқ ва улардаги маълумотлар тўғри бўлиши зарур.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Кўмитага шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали топширилади.

---

\* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Кўмита ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги талабгорга малака имтиҳонини топширишга руҳсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

14. Кўмита қўйидаги асосларга кўра малака имтиҳонини топширишга руҳсат беришни рад этади:

талабгор мазкур Низомнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда;

талабгор тақдим қилган хужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим қилгани аниқланганда;

талабгор мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган хужжатларни тақдим этишдан бош тортганда.

Бошқа асосларга кўра малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Талабгорнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда Кўмита томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгор рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида уч иш куни ичидаги ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

16. Малака имтиҳонини топширишга руҳсат бериш рад этилган талабгор рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериси мумкин.

17. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширишига руҳсат бериш ҳақида қарор қабул қилинганида талабгор малака имтиҳонини топширишга руҳсат берилган шахслар рўйхатига киритилади ва рўйхат малака имтиҳони бошланишидан олдин Малака имтиҳони комиссиясига топширилади.

18. Малака имтиҳонига қўйилган талабгор малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вакти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин мобиль телефони (мавжуд бўлганда), почта ёки электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилинади.

19. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ҳамда малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмай Кўмита ва Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

20. Малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин икки ойда камида бир маротаба ўтказилиши лозим.

21. Малака имтиҳони комиссияси таркиби, иш регламенти, шунингдек тест саволлари Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

22. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатни тақдим этади.

23. Талабгор паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатни тақдим қилмаганда ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда имтиҳонга қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган ҳисобланади.

24. Малака имтиҳонига кечиккан талабгор навбатдаги малака имтиҳонидаги талабгорлар рўйхатига киритилади ва бу ҳақда мобиль телефони, почта ёки электрон алоқа воситаси орқали уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

25. Агарда талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин икки маротаба малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган хужжатлар талабгорга қайтарилади. Бундай ҳолларда, талабгор малака имтиҳонидан ўтиш учун қайтадан ариза билан мурожаат қилиши лозим.

26. Малака имтиҳони тест синови усулида, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда, талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

27. Малака имтиҳонининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида уни ўтказиш жараёни узлуксиз равишда овозли видеоёзувга туширилади.

28. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури асосида Марказ томонидан ишлаб чиқилади.

29. Тест саволларини тайёрлаш дараёнида фойдаланилган мавзулар Кўмита ва Марказ расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тест саволлари қонун хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

30. Тест синови геодезия ва ер кадастри йўналиши бўйича 75 та саволдан иборат бўлади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун бир соат вақт тақдим этилади.

31. Тест синовлари ўтказиладиган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш, бошқа талабгорлар билан сухбатлашиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синовлари ўтказиладиган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

32. Малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб уч кун ичida Малака имтиҳони комиссиясининг тест синови натижалари қайд этилган баённомаси расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

33. Малака имтиҳони натижалари ҳамда Малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси Марказнинг масъул ходимида сақланиши лозим.

34. Малака имтиҳони натижалари Малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси расмийлаштирилган куннинг ўзида эълон қилинади.

35. Талабгорнинг тўри жавоблар бўйича якуний натижаси 70 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

36. Тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 70 фоиздан паст бўлган талабгор малака имтиҳонидан ўмаган ҳисобланади.

37. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорлар уни навбатдаги малака имтиҳонида тақроран топшириш хуқуқига эга, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

38. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорларга малака шаҳодатномаси берилади.

### **3-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби**

39. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичida Кўмитага апелляция бериш хуқуқига эга. Апелляция ёзма ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилиши лозим.

40. Кўмита бир ҳафталик муддатда апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида у қабул қилинган кунда ёзма равища хабар беради.

41. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича Кўмита томонидан кўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгорни малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

42. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор апелляцияда кўрсастилган асослар ўз тасдифини топмаган ҳолларда қабул қилинади.

43. Кўмитанинг қароридан норози бўлган талабгорлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

### **4-боб. Малака шаҳодатномасини расмийлаштириш ва бериш**

44. Малака шаҳодатномаси талабгорнинг фотосурати ёпиштирилган маҳсус бланкада мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг барча худудларида амал қиласи.

45. Малака шаҳодатномасининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади ва Кўмита буюртмасига асосан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

46. Малака шаҳодатномаси Кўмита томонидан Малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси олинганидан бошлаб беш кун ичida расмийлаштирилади ва Кадастр муҳандислари реестрига имзо қўйилган ҳолда талабгорга берилади.

47. Агар талабгор малака шаҳодатномасини у расмийлаштирилган кундан бошлаб уч ой ичida олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равища бош тортса, Кўмита мазкур шаҳодатномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

### **5-боб. Малака шаҳодатномасини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш**

48. Кадастр муҳандисининг фамилияси ёки исми ёхуд отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи хужжатлар

\* 2-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

берилган санадан бошлаб бир ой ичидаги Кўмитага мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилилади.

Бунда, аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака шаҳодатномасининг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

49. Малака шаҳодатномасининг қайта расмийлаштирилиши кадастр муҳандиси томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб беш кун ичидаги амалга оширилади.

50. Янги бланкада қайта расмийлаштирилаётган малака шаҳодатномасининг рақами қайд қилинади. Илгари берилган малака шаҳодатномаси бланкаси Кўмитада қолдирилади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

51. Кадастр муҳандисининг аризасига кўра, йўқотилган ёки яроқсиз холга келтирилган малака шаҳодатномаси ўрнига Кўмита томонидан унинг дубликати берилади.

52. Малака шаҳодатномаси дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ёзилади ва янги бланканинг юқоридаги ўнг бурчагида «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

53. Яроқсиз холга келган малака шаҳодатномаси Кўмитага қайтарилади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

## **6-боб. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш**

54. Малака шаҳодатномасининг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш Кўмитанинг тегишли қарорига асосан амалга оширилади.

55. Кўйидагилар малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш учун асос бўлади:

кадастр муҳандисининг аризаси;

кадастр муҳандиси фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатлари ва мазкур Низом талабларини қасддан бузиш;

кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш (бирламчи кадастр хужжатлари бундан мустасно), уларнинг қаватма-қават режаларини тузиш, техник режаларни расмийлаштириш, шунингдек уларни техник хисобга кўйиш ишларини амалга оширишда қасддан нотўғри хулоса (маълумот) бериш;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

56. Малака шаҳодатномасининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисидағи қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади.

57. Малака шаҳодатномаси қўйидаги холларда бекор қилинади:

Кўмитанинг малака шаҳодатномасини бериш тўғрисидаги қарори ноконуний эканлиги аниқланганда;

малака шаҳодатномаси соxта хужжатлардан фойдаланган холда олинганилиги факти аниқланганда.

58. Малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака шаҳодатномаси берилган санадан бошлаб амал қиласди.

59. Конун хужжатлари талабларини бузгани учун малака шаҳодатномаси бекор қилинган ёки малака шаҳодатномасининг амал қилиши тугатилган кадастр мухандисига, у бекор қилинган ёки амал қилиши тугатилган санадан бошлаб бир йил мобайнида тақороран малака шаҳодатномаси берилмайди.

60. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ёки малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Кўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

61. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ёки малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган куннинг ўзида тегишли кадастр мухандиси ва риэлторлик ташкилотига унинг нусхаси юборилади.

62. Кадастр мухандиси малака шаҳодатномасини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб ўн кун ичидаги ўзининг шаҳодатномасини конун хужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш учун Кўмитага қайтариши лозим.

63. Малака шаҳодатномасини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги тўғрисидаги қарор устидан конун хужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

## **7-боб. Кадастр мухандислари реестри**

64. Кўмита томонидан Кадастр мухандислари реестри юритилади ва унда кадастр мухандисларининг қўйидаги маълумотлари қайд этилади:

кадастр мухандисининг фамилияси, исми, отасининг исми;

малака шаҳодатномаси раками, берилган сана;

малака шаҳодатномаси олинган сана;

малака имтиҳонида қайд этилган натижа;

малака шаҳодатномасини бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш хақидаги маълумотлар.

65. Кадастр мухандислари реестри электрон шаклда юритилади.

Кадастр мухандислари реестрининг шакли Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

66. Кадастр мухандислари реестрига киритилган маълумотлардан очик фойдаланилиши мумкин.

Кадастр мухандислари реестри Кўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

## **8-боб. Якуний қоидалар**

67. Мазкур Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар конун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

68. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

69. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори*

*C. БЕКЕНОВ*

*2019 йил 13 декабрь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*A. ИКРАМОВ*

*2019 йил 16 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА  
 ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**22** **Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташки бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раҳами 3212*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 марта ПК-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташки бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
 2019 йил 16 декабрь,  
 110-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 январда эълон қилинган.

**Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазири**

**С. УМУРЗАКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
қк-5-сон

**Қишлоқ хўжалиги вазири**

**Ж. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
68-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги  
вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги  
110, қк-5, 68-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёrlарининг  
қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот  
маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига  
ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг  
ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш,  
қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан  
ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг  
ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш  
билин боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун  
субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги  
**НИЗОМ****

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартағи ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёrlарининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларда сотишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартибини белгилайди.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**мева-сабзавот маҳсулотлари** — сабзавотлар, мевалар, дуккакли, ёнфоқ, узум, полиз ва резавор маҳсулотлари (шу жумладан, музлатилган ва куритилган);

**қишлоқ хўжалиги бирлашмалари** — аъзолари фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича хизмат қўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи жисмоний ва юридик шахсларни ўз ичига олган юридик шахс;

**маркетинг тадқиқотлари** — ташки бозордаги мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотларининг нархи, бозордаги унга бўлган талаб миқдори, мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб берувчи бошқа рақобатчи компанияларнинг бозордаги ўрнини ўрганиш (етказиб берадиган мева-сабзавот маҳсулотларининг хажмлари, нархлари, уларни етказиб бериш муддатлари).

2. Экспортёрнинг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларига ўргатиш, уларнинг ерларида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича ташки бозорларда маркетинг тадқиқотлари олиб бориши харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан календарь йили учун Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) ажратиладиган маблағлар, шунингдек жалб этиладиган халқаро молиявий институтлар маблағлари, шу жумладан Жаҳон банки маблағлари хисобидан амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларини жорий этишга ўргатиш экспортёrlар томонидан тегишли мутахассисларни, шунингдек хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этиладиган маҳсус ўқув курслари, амалий машғулотлар ҳамда семинарлар ташкил этиш орқали амалга оширилади ва экспортёрлар томонидан сарфланган харажатларининг 50 фоизи миқдорида субсидиялар ажратилади.

Агентлик экспортёрларга қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари учун маҳсус ўқув курслари, амалий машғулотлар ҳамда семинарлар ташкил этишда кўмаклашади. Бунда, Агентлик экспортёрнинг мурожаатига асосан ўқув курслари, амалий машғулотлар ҳамда семинарлар учун хориждан тегишли мутахассисларни топиш ва жалб қилишда ёрдам беради.

4. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши юзасидан мониторинг юритиш учун экспортёр томонидан ишга олинадиган агрономларга хисоб-

ланган бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи микдорида субсидиялар ажратилади.

Бунда, субсидия ҳар 300 гектардан 500 гектаргача бўлган экин майдони ҳисобига 1 та агроном учун ажратилади ва агрономнинг бир ойлик лавозим маоши учун ажратиладиган субсидия суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 5 бараваридан ошмаслиги лозим.

5. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларда сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари экспортёр томонидан мустакил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган холда амалга оширилади ва экспортёрлар томонидан сарфланган харажатларнинг 50 фоизи микдорида субсидиялар ажратилади.

## **2-боб. Экспортёрга субсидиялар ажратиш шартлари**

6. Агентлик томонидан экспортёрга субсидиялар ажратиш учун экспортёр Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши ҳамда мазкур низомнинг 3, 4 ва 5-бандларида назарда тутилган тадбирлар учун тўловлар экспортёр томонидан амалга оширилган бўлиши керак.

7. Агар Агентлик томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра мазкур Низомнинг 3, 4 ва 5-бандларида назарда тутилган тадбирлар бўйича экспортёр томонидан тайёрланган бизнес-режада қўрсатилган экспорт ҳажми амалга оширилмаганлиги ёки тўлиқ амалга оширилмаганлиги аниқланса, Агентлик томонидан экспортёрга ажратилган тегишли субсидия маблағларининг амалга оширилмаган экспорт ҳажмига мутаносиб қисмини қайтариш тўғрисида экспортёрга талабнома юборади ва экспортёр 10 ишкуни мобайнида талабномада қўрсатилган маблағларни Агентликка қайталишини таъминлаши зарур (бундан форс-мажор ҳолатлари мустасно).

8. Экспортёр томонидан талабнома бажарилмаган тақдирда, ажратилган субсидия маблағлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

## **3-боб. Экспортёрга субсидия ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиши тартиби**

9. Экспортёр Агентликка субсидия ажратиш ҳақида мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қиласи. Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

экспортёрганинг имзоси билан тасдиқланган, маҳсулотни етиштириш (сақлаш), экспорт қилиш вақти ва ҳажмлари, шу жумладан ҳисобот йилида экспортдан тушадиган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар қўрсатилган бизнес-режа (бир йилда бир маротаба дастлабки мурожаат қилинганда тақдим этилади);

---

\* 1-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кишлоқ хўжалиги бирлашмаси аъзоларининг экин ер майдонлари тўғрисидаги бирлашма раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган маълумот;

агрономларга ҳисобланган иш ҳақи (ойлар кесимида), улар бўйича тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумот ва (ёки) мазкур низомнинг 3, 4 ва 5-бандларида назарда тутилган тадбирларни ёки улардан бирини амалга ошириш бўйича тузилган шартномалар, иш ва хизматлар бажарилганилиги тўғрисидаги далолатномалар, ҳисоб-фактуралар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари;

ҳисобот даврида амалга оширилган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми тўғрисидаги маълумот. Бунда экспорт ҳажмлари экспорт шартномаларининг Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизими-даги идентификация рақами кесимида кўрсатилади (бирлашма аъзолари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти амалга оширилган бўлса).

10. Агентлик томонидан экспортёрнинг аризаларини кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 2-иловасида\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Тақдим этилган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун экспортёр қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

12. Мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган хужжатлардан бошқа хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар Агентликка бевосита, поча алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилади.

14. Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар экспортёр томонидан Агентликка бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган хужжатлар тўлиқ бўлмаса, ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

15. Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар Агентликка экспортёр томонидан поча алоқаси орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, Агентлик 3 иш куни мобайнида экспортёрга хужжатларни тегишли жавоб хати билан қайтаради.

16. Мазкур Низомнинг 9-бандида қайд этилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилганда, аризалар Агентлик томонидан 7 иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

17. Агентлик экспортёр ва у томонидан тақдим этилган хужжатларни мазкур Низом талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади ва субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласади.

18. Агентлик субсидия ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида экспортёрга қабул қилинган қарор тўғрисида билдиришнома юборади.

\* 2-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агар субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, экспортёр кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда субсидия олиш учун Агентликка ариза билан қайта мурожаат қилганида, аризалар Агентлик томонидан З иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

19. Экспортёрнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

20. Экспортёрга субсидия ажратишни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

экспортёр мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган шартларга мос келмаса;

экспортёр томонидан тақдим этилган хужжатларда мазкур Низомнинг 22-бандида белгиланган тартибда ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрса-тиш ҳолатлари аниқланганда.

21. Мазкур Низомнинг 20-бандида қайд этилганидан бошқа ҳолатларга кўра экспортёрга субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Агентлик экспортёр ва у томонидан тақдим этилган хужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

23. Экспортёр субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, ўрнатилган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Субсидия тўловини амалга ошириш тартиби**

24. Агентлик томонидан субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг 1 иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига субсидия ажратиш тўғрисида буюртманома тақдим этади.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентлик томонидан тақдим этилган буюртманомани 1 иш куни мобайнида буюртманомада кўрса-тилган маблағларни Агентликнинг махсус шахсий ғазна ҳисобварафига ўтка-зив беради.

26. Агентлик махсус ғазна ҳисобварафига келиб тушган субсидия маблағлари 1 банк куни мобайнида Агентлик томонидан тегишли экспортё-ларнинг тижорат банкидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

27. Субсидия ажратилган экспортёларнинг реестри Агентлик томонидан ушбу Низомнинг З-иловасида\* келтирилган шаклга мувофиқ юритиб борилади.

28. Молия йили якуни бўйича Агентлик шахсий ғазна ҳисобварафига фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

29. Экспортёр томонидан қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари-ни мева-сабзавот маҳсулотлари етиширишнинг янги технологиясига ўрга-

\* З-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиш, уларнинг ерларида агротехник тадбирларни ўз вактида ўтказилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ва бирлашма аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларини ташки бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича харажатларининг мазкур Низомга асосан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига қоплангандан ортиқ қисми экспортёрнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **5-боб. Якуний қоидалар**

30. Экспортёрларга субсидия ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

32. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*A. ИКРАМОВ*

*2019 йил 16 декабрь*

*Ўзбекистон фермер, дехқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

*A. ХАИТОВ*

*2019 йил 16 декабрь*

**Ўзбекистон Республикаси**

**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва  
идораларнинг норматив-ҳукуқий хужжатларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**

**2020 йил 4 январдан 17 январгача  
бўлган маълумотни маълум қиласи**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 4 январдаги 1-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳукуқий хужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1231-2.**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳукуқий хужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-4.**

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 49-2019-Б-сон «Таълим муассасаларининг ўкув ва ўкув-ишлиб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2454-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 47-2019-Б-сон «Ўрмон хўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2471-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 48-2019-Б-сон «Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2266-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 декабрдаги 50-2019-Б-сон «Психиатрия касалхоналари

ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2020 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-2.**

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2019 йил 30 декабрдаги 2019-66-сон «Юридик шахсларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-1.**

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 10 январдаги 8-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-4.**

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдаги 204, 104-сон «Мобиъ алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент ракамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-6.**

10. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 8 декабрдаги 248-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2020 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210.**

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридағи Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 17 декабрдаги 445-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2020 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-1.**

12. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил

18 декабрдаги 630-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тұғрисидаги йўриқноманинг 34-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2020 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-2.**

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 321-В-10, 115, 2019-63-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварагидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тұғрисидаги йўриқноманинг 5-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-10.**

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211.**

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 110, ққ-5, 68-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарishнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташки бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3212.**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг «Электрон ҳисобварак-фактураларни электрон расмийлаштириш, саклаш ва ҳисобини юритишнинг вақтингчалик тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 3136, 2019 йил 5 февраль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги 57-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тұғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь), шунингдек унга ўзгартиш

ва кўшимчалар (рўйхат рақами 3083-1, 2019 йил 25 март), (рўйхат рақами 3083-2, 2019 йил 13 август), (рўйхат рақами 3083-3, 2019 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 3083-4, 2019 йил 3 октябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 4 ноябрдаги 500-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Ҳисоб палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1651, 2006 йил 29 декабрь), шунингдек унга ўзгартиш ва кўшимчалар (рўйхат рақами 1651-1, 2018 йил 25 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 11 декабрдаги 534-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-нинг «Ахборотни хужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини хисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1558, 2006 йил 4 апрель), шунингдек унга ўзгартиш ва кўшимчалар (рўйхат рақами 1558-1, 2007 йил 2 июнь), (рўйхат рақами 1558-2, 2013 йил 22 май), (рўйхат рақами 1558-3, 2014 йил 3 март), (рўйхат рақами 1558-4, 2015 йил 7 май), (рўйхат рақами 1558-5, 2016 йил 6 октябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 19 декабрдаги 540-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-нинг «Давлат органлари ахборот тизимларини хисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646, 2006 йил 21 декабрь), шунингдек унга ўзгартиш ва кўшимчалар (рўйхат рақами 1646-1, 2007 йил 26 май), (рўйхат рақами 1646-2, 2013 йил 17 май), (рўйхат рақами 1646-3, 2014 йил 3 март), (рўйхат рақами 1646-4, 2015 йил 7 май), (рўйхат рақами 1646-5, 2016 йил 16 январь), (рўйхат рақами 1646-6, 2016 йил 27 сентябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 19 декабрдаги 540-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи (рўйхат рақами 1231, 2003 йил 4 апрель), шунингдек унга ўзгаришишлар (рўйхат рақами 1231-1, 2006 йил 11 июль).

**Адлия вазирининг 2020 йил 4 январдаги 1-мҳ-сон буйргугига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Тижорат банклари балансида турган алоҳида обьектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2589, 2014 йил 28 май), шунингдек унга ўзгартеришлар (рўйхат рақами 2589-1, 2016 йил 12 январь), (рўйхат рақами 2589-2, 2017 йил 17 ноябрь), (рўйхат рақами 2589-3, 2018 йил 7 август).

**Адлия вазирининг 2020 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон буйргугига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3060, 2018 йил 28 август), (рўйхат рақами 3060-1, 2018 йил 10 октябрь).

**Адлия вазирининг 2020 йил 13 январдаги 10-мҳ-сон буйргугига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

